O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган

2005 йил
20 май

№ 21
(517)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
Сотувда
эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ БАРҚАРОР БЎЛИШИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг партия фаоллари билан бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида шундай дея бежиз таъкидлангани йўқ

Фракция фаолияти

Суратда: *партия фаолларидан бир гуруҳи партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиш қарорини муҳокама қилишмоқда.*

Бугун юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга қаратилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Аммо шундай катта мақсадни амалга оширишга ғов бўлаётган кимсаларнинг жиноёткорона хатти-ҳаракатларини асло кечириб бўлмайди. Юртимиз тинчлиги, осойишталигини кўра олмайдиган, халқимизнинг бунёдкорона яратувчанлик меҳнатига соя солмоқчи бўлган ёвуз кучларнинг қилмишлари туфайли шу йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида фожеали воқеалар юз берди. Бунинг оқибатида бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг "Адолат" СДП фаоллари билан бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида бу мудҳиш воқеаларни содир этганлар қаттиқ қораланди. Йиғилишни мазкур фракция раҳбари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова олиб борди.

— 13 май куни Андижонда рўй берган мудҳиш воқеалар диний ақидапарастларнинг қилмиши туфайли содир этилгани ҳаммамизга маълум, — деди у. — Фожеа барҳам топди, лекин бегуноҳ одамларимизнинг қони тўкилди. Унинг қора доғи халқимиз қалбида муҳрланиб қолди. Бўлиб ўтган воқеа кўзимизни очди ва биз сиёсий партияларнинг олдига янада кўпроқ вазифаларни қўйди. Энди биз эришаётган ютуқларимиз билан чекланиб қолмай, партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни янада изчил амалга оширишимиз керак. Яъни, Дастурга таяниб янада кўпроқ иш олиб бормоғимиз, тинчликни асраш йўлида халқ ичига кириб, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътиборни қаратиш лозим.

Шунингдек, йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ва партия фаоллари ҳам бўлиб ўтган бу мудҳиш воқеаларни қаттиқ қоралашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар:

— 13 май куни бўлиб ўтган нохуш ҳолат ўнлаб бегуноҳ кишиларнинг бевақт оламдан кўз юмушига сабаб бўлди, — деди "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Юсибжон Нишонов. —Тинчлигимизга раҳна солган кишилар — юртимизни кун сайин ривожланиб бораётганлигини кўролмайдиган маддоҳлардир. Шундай экан, биз ҳамиша огоҳ бўлмоғимиз, сафдошларимиз, партиямизнинг барча аъзолари билан биргаликда халқ билан бир бўлиб, юртдошларимизни бизга ғаним, ёт бўлган унсурлар таъсиридан асраб қолмоғимиз лозим.

— Биз диний экстремизмга қарши ўзимизнинг миллий истиқлол ғоямиз, яъни, мафкурамиз билан қатъий курашмоғимиз керак, — дейди "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдулла Абдуназаров. — Партиямиз нашри-"Адолат" газетасида яқинда таниқли сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоевнинг "Улуғ алломалар адолатли ва фозил жамият тўғрисида" номли мақоласи чоп этилди. Мақолада амалдорлар билан халқнинг яқинлиги қанчалик муҳим эканлиги алоҳида эътироф этилган. Дарҳақиқат, халқ дардига қулоқ тутиб, фидойилик билан ишласак айрим жойларда юзага келган муаммо ва камчиликларни бартараф этишимиз енгиллашади. Бу борада партиямиз фаоллари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатиб ишлашлари зарур. Қолаверса, юртимиз тинчлигини авайлаш ҳар биримизнинг юксак инсоний бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

— Бундай нохуш воқеаларнинг олдини олишда, аввало, оилада тарбияни мустаҳкамлашимиз, фарзандларимизни илмли, маърифатли, комил инсон бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиз керак, — деди йиғилишда "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Зуҳра Ботирова ўз мулоҳозаларини билдириб. — Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида жойларда бўлиб, уларга тушунтириш ишларини олиб боришимиз ва халқ билан бирга бўлишимиз лозим.

— Давлатимиз босқичма-босқич демократия сари одимлаб бораётган экан, бизнинг адолатли демократик жамият тузиш йўлидаги ҳаракатимизга мутлақо хос бўлмаган иллатларини киритмоқчи бўлган унсурларнинг борлиги кишини ташвишлантиради. — деди "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Исмоил Саифназаров. — Биз танлаган йўл, албатта, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлигини барқарор бўлиши учун хизмат қилади. Партиямиз фаоллари институт ва университетлар талаба-ёшлари билан учрашув ўтказиб, уларнинг фикри билан танишди. Очиғи, айрим жойларда партиямизга тегишли танқидий фикрларни ҳам эшитдик. Биз бундан сабоқ олиб, партиямиз ишини жонлантиришимиз ва ҳамиша огоҳ бўлишимиз керак.

— Ечилмаган муаммолар кўп, — дейди "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдурафиқ Аҳадов. — Жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари огоҳликни четга суриб қўйган. Лоқайдлик оқибатида Андижон шаҳрида 13 май ҳодисаси юз берди. Биз "Адолат" СДП Дастури доирасида иш олиб боришимиз, партиянинг жойлардаги ташкилотлари халқ орасидаги муаммоларни олиб чиқиши ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз керак. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида айтиб ўтганидек қонунлардаги бўшлиқларини тўлдиришимиз, қонун ижросини жойларда таъмин этишимиз, юртимиз тинчлигини сақлаб, ҳамиша огоҳлик билан ишлашимиз ва огоҳ бўлиб яшашимиз лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова кенгайтирилган йиғилишни якунлар экан, йиғилганларни мажлиснинг қуйидаги қарори билан таништирди:

1. Социал-демократиянинг асосий ғояларидан бўлмиш — Бирдамлик ғоясидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бутун куч ва салоҳиятини Ўзбекистон халқи, миллатини юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун бирлаштиришга, бирдамлик ва аҳиллик тамойилларини таъминлашга қаратади.

2. Партия кенг жамоатчилик, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликда ёшлар ва аёлларни, барча фуқароларни турли хатарли оқимларга қўшилиб кетишдан асраш, уларни ёт ғоялар таъсиридан сақлаб қолиш учун курашади.

3. Партия ўзининг барча аъзоларини, фаолларини, хайрихоҳларини ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризм ғояларига қарши курашда Юртбошимиз атрофида жипслашиб эркин фуқаролик жамиятини қуришда, демократия ва адолат тамойилларини қарор топтиришда маънавий-маърифий ишларни жонлантиришга даъват этади.

Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди!

Куч — адолатдадир!

Вилоят ШОДИЕВА,
"Адолат" мухбири

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар ўз чиқишларида таъкидладиларки, сохта диний ғоялар билан онги заҳарланган экстремистларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуролли ҳужуми Ўзбекистонда конституциявий тузумни куч ишлатиш билан ўзгартиришга, халқимизни ўзи танлаган дунёвий, демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишдан ўзга нарса эмас. Мазкур жиноий хатти-ҳаракатлар замирида илдизлари мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига бориб тақаладиган ёвуз кучлар ётибди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасидаги оқилона ва изчил сиёсатини тўла қўллаб-қувватладилар. Мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари билан яқин ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, олимлар, таълим, маданият ва санъат ходимлари иштирокида аҳоли ўртасида, энг аввало, ёшлар ўртасида, мамлакат раҳбарияти атрофида янада маҳкамроқ жипслашиш заруриятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришлари зарурлиги уқтирилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди. **(ЎзА)**

«Адолат» СДП фаолиятидан

ИШЧАНЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракция мажлисининг қарорига биноан, партиядан сайланган бир қатор депутатлар май ойининг биринчи ўн кунлигида вилоятларга чиқишиб, партия аъзолари ва сайловчилар билан учрашиб келдилар.

Жумладан, депутат Зуҳра Ботирова Бухоро шаҳрида бўлиб, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши иши билан танишиб келди. Суҳбат чоғида у Кенгаш раҳбарлари томонидан сайловлар ва ундан кейинги даврдаги фаолиятида йўл қўйилаётган сусткашлик ва бошқа камчиликларга эътиборни қаратди.

Самарқанд вилоят партия ташкилоти фаолияти билан танишган депутат Худоёр Маматов партия фаоллари билан учрашув ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини, Республика раҳбар органлари ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар олдига қўйган вазифалар ҳамда Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг иш режалари ва фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Депутат Абдулла Абдуназаров Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг йиғилишини ўтказди. Унда вилоят партия ташкилоти олдида турган вазифалар, вилоят партия Кенгаши иш режасининг асосий йўналишлари, партия сафларини фидоий инсонлар ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, Сиёсий Кенгаш III Пленуми қарорларини рўёбга чиқаришда шаҳар ва туман партия Кенгашларининг масъулияти тўғрисида сўз юритди.

Фракция аъзоси депутат Собир Турсунов Сурхондарё вилоятида бўлиб, ўз сафарини вилоят партия ташкилоти фаолиятини ўрганишга бағишлади. Унинг таъкидлашича вилоят партия Кенгаши котиблари сайловлардан кейинги даврда партия ишини деярли ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Кўрсатилган давр мобайнида на бирор бир тадбир ёки бошқа партиявий иш ўтказилмаган. С.Турсунов Сиёсий Кенгаш олдига вилоят партия Кенгаши раҳбариятини янгилаш масаласини қўйди. Ҳозирда шу масала юзасидан иш олиб борилмоқда.

Қонунчилик палатаси депутатлари Ойша Ахунова ва Юсибжон Нишоновлар Фарғона ва Наманган шаҳарларида бўлишиб, вилоят партия ташкилотилари иши билан танишдилар. «Адолат» СДП Фарғона вилоят Кенгаши аъзолари билан бўлган учрашувда депутатлар партия Сиёсий Кенгаши III Пленуми қарорларида қўйилган вазифаларнинг асл моҳиятини партиядошларга тушунтириб бердилар. Партия дастури асосида халқимиз орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва партия аъзолари сонини кўпайтириш борасида йўл-йўриқлар бердилар.

О.Ахунова ва Ю.Нишонов иштирокида Наманган вилоят партия Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда Кенгаш биринчи котиби Комилжон Абдуллаев сўзларидан маълум бўлишича туманларда партия аъзолари ва бошланғич партия ташкилотларининг партия кадрлари етишмайди ҳамда моддий база заиф. Депутатлар ушбу масалаларни ҳал этиш борасида маслаҳатлар бердилар. Сиёсий Кенгаш III Пленуми қарорлари мазмун-моҳиятини партия фаолларига тушинтириб бердилар. Уларни бажаришда ва партиявий ишни олиб боришда ишчанлик — фаолиятимиз мезони бўлиши кераклигини алоҳида уқтириб ўтишди.

Амалий ёрдам тариқасида депутат О.Ахунова биринчи котиб К.Абдуллаев билан вилоят ҳокимининг ўринбосари олдига чиқиб, вилоят партия Кенгашига янги офис берилиши масаласини ҳал этилишига ёрдамлашди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Плунем кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги марузаси ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши III Пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш қўламини ошириш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Мамит Асқаров маруза қилди. Нотиқ ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамитни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деган маърузаси мазмун моҳиятини Пленум қатнашчиларига батафсил тушунтириб берди.

Шу билан бирга нотиқ, ўз сўзида Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор туманларида бўлиб, туман партия фаоллари, аъзолари ва у ерда яшовчи фуқаролар билан учрашувлар ўтказганлиги ҳақида айтиб ўтди. Мамит Асқаров ўз сўзининг охирида Пленум қатнашчиларини партиянинг келажакдаги ишларида фаолликни ошириш ва ҳақиқий партия етакчилари бўлишга чақирди.

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ

Фарғонанинг Қува шаҳрида яшайман. Қува шаҳри ва Андижон ўртасидаги масофа яқинлиги туфайли деярли ҳар куни бориб тураман. Ўша машъум воқеадан кейин ҳам Адижон шаҳрига бордим.

Таниш-билиш, ошна-оғайнилар билан учрашиб, ҳолаҳвол сўрадим. Улар айни пайтда вазият, ҳаёт ҳар доимгидек тинч, осуда эканлигини айтишди. Ўзим ҳам кўчакўйда кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир бозордаги тирикчилигига кетаётганини гувоҳи бўлдим. Айниқса, йўлкира ҳақи арзон ва айтган манзилга тезда олиб бориб қўядиган машҳур Асака "Дамас"лари ғизиллаб юраётганини кўриб кўнглим кўтарилди. Бироқ, мана шундай пайтда айрим чет эл оммавий ахборот воситалари оммани ёлғон ва бўҳтон ахборотлар билан чалғитишга ҳаракат қилаётганига ҳайронман.

Хориж журналистлари биздаги бу воқеаларни нохолис, бузғунчи мақсадларда ёритгандан кўра, ўз давлатларидаги воқеаларни адолат нуқтаи-назаридан ёритса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Давлатимиз раҳбари Республика бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманида уларга яна бир бор ҳақиқатни айтиб, нохолис чиқишларга муносиб жавоб берди. Бу чиқиши билан Юртбошимиз яна бир бор Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг обрў-эътиборини, шаънини ҳимоя қилдики, биз шунга муносиб бўлишимиз керак.

Аҳмаджон ЭСОНОВ,
журналист

ЯНА БИР САБОК

Андижонда бўлиб ўтган машъум воқеалардан юрагим ҳамон безовта. Чунки бир гуруҳ нобакорлар тинч бунёдкорлик йўлидан демократия сари дадил одимлаётган юртимиз тараққиётига тўсиқ солмоқчи бўлдилар.

Ўзингиз ўйланг, ҳозирга келиб юртимизда инсон манфаатлари олий қадриятга айланди. Шундай замонда айрим диний ақидапарастларнинг одамларни 14 аср илгариги феодал тузум — халифаликка етакламоқчи бўлиши ақлсизликдан бошқа нарса эмас.

Абулбаракат Қодирий шундай ҳикоя қилади: Бир ҳакимдан: "Қандай одам жазога лойиқ?" — деб сўрадилар. У эса: "Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида даранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланади. Шу тариқа кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!".

Мен Андижонда хунрезлик қилган, эл осойишталигини сақлаётган бегуноҳ ватандошларимизга қўл кўтарган, уларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлган кимсаларни ана шундай тубан одамларга қиёслаган бўлардим.

Биз бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқарамиз. Танлаган бунёдкорлик йўлимиздан дадил олға бориш, истиқлол ғояларини ҳимоя қилиш учун жонимизни аямаймиз.

Улуғбек ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон "Адолат"
СДП аъзоси,
Шайхонтоҳур тумани

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Андижонда бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлганлар ўзларини қўлларини қонга белаган ҳолда "ҳақиқат курашчилари" деб ҳисоблашмоқда. Айрим чет эл оммавий ахборот воситалари бўлса уларни "тинч намойиш қатнашчилари" деб таърифлаяпти.

Муҳтарам Президентимиз Республика Бош прокуратурасида бўлиб ўтган брифингда қуйидаги гаплари билан уларга жуда тўғри баҳо бердилар:

"Одамларни гаровга олишгани, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни "тинч намойиш" деб аташ мумкинми? Шу ўринда қўрқоқ олдин мушт кўтарар", деган мақол эсга тушади.

Бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқий террорчилик ҳаракатидир.

Кўриниб турибдики, ёвузлар ҳақиқий башараларини қилмишлари билан ошкор этишди. Чунки ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, диний экстремистлар ўз қилмишларини ҳар қандай мунофиқона йўл билан яширишга уринишмасин бор ҳақиқатни халқимизнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Мен бугун бир ўзбек фарзанди сифатида ватандошларимни, айниқса, талаба-ёшларни диний экстремизм ва терроризм домига тушмасликка, мустақилликдек олий неъматни қадрлашга, Ватан равнақи йўлида жипслашишга чақираман.

Феруза РИХСИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

"БУНЁД-М"–ОЛИЙ СИФАТ МЕДАЛИ СОҲИБИ

Швейцарияда жойлашган Дунё ишбилармонлигида олий сифат белгиси халқаро фонди Андижондаги "Бунёд-М" ҳиссадорлик жамиятини олий сифат медали билан тақдирлади.

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида бир нечта замонавий корхоналар очилди ва бугунги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида кўплаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, хорижга сотишга мўлжалланган юқори сифатли маҳсулотларни шу ерда тайёрлашни йўлга қўйишга имкон берди.

2001 йили республикамизнинг энг чекка худуди ҳисобланган Ойим қишлоғида фаолият юритувчи "Бунёд-М" ҳиссадорлик жамияти хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда "Ойимтекстиль" қўшма корхонасига асос солган эди. Олий сифат халқаро фондининг мукофоти мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга муносиб баҳодир.

Жорий йилнинг 13 май куни Олий сифат халқаро фондининг Женевадаги қароргоҳида "Ойимтекстиль" қўшма корхонасининг директори Толибжон Мадаминовга олий сифат медали тантанали топширилди.

Республика Пахта банки ҳамда Германияннинг Дрейзер банкидан олинган кредитлар ҳисобига қишлоқда замонавий корхона барпо этилиб, унга ривожланган мамлакатларнинг энг замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилди. Корхонада ишлатилаётган дастгоҳларнинг 60 фоизи Германияда ишлаб чиқарилган бўлса, қолганини Швейцария фирмаларида тайёрланган ускуналар ташкил этади. Бу жаҳон бозорида ҳам ўта харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Корхонада четга ярим хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш дастури асосида иш олиб борилмоқда. Мазкур дастурга асосан бу йил оҳорлаш цехи ишга туширилди. Ҳозирга қадар бу ерга 52 минг тонна оҳорланган трикотаж газламалар ишлаб чиқарилди. Уларнинг асосий қисми Греция, Туркия, Латвия, Россия ва Польша давлатларига сотилмоқда. Шу кунларда дастурдаги навбатдаги босқич бўяш цехини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Корхонада четдан келтирилган дастгоҳлар деярли ўрнатилиб бўлинди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши корхонада қўшимча иш ўринларини яратиш имкониятини бермоқда. Агар ўтган йили корхонада 450 нафар киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 595 нафарга етди.

"Ойимтекстиль" маҳсулотининг нуфузли халқаро ташкилот томонидан эътироф этилиши қишлоқда саноатни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган аниқ дастурлар ўз самарасини бераётганидан далолат беради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ
"Туркистон-пресс"

Демократия сабоқлари

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

ёки уларнинг жамиятда тутган ўрни хусусида

Жаҳондаги илғор демократик мамлакатларда бугунги кунда сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва яна янгидан-янги турли туман ижтимоий ҳаракатлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Зеро яқин ўтмишда, аниқроғи, 100-200 йиллар муқаддам дунё мамлакатларининг кўпчилигида нодавлат сиёсий ташкилотлар фаолияти давлат томонидан таъқиқланган эди. Улар асосан, махфий равишда фаолият кўрсатар эдилар. Бу каби таъқиқ, махфийлик ва норасмий фаолият жараёнларини деярли барча жамоат бирлашмалари: сиёсий партиялар ҳам, "массон ложалари" ҳам, касаба уюшмалари ва лоббистлар гуруҳлари ҳам ўз бошидан кечирдилар. XX асрга келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг бемалол фаолият кўрсатишига кенг имконият вужудга келди.

Ҳозирги замон илғор мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

-аввало, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

-иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

-учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатларидан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади.

Сўнгги шарт-шароит эса ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминланган бўлиши лозимлигидир.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилар экан.

Фуқаролик жамиятида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг алоҳида ўз функциялари бўладики, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси — жамоат ташкилотларидир. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир.

(Давоми 4-бетда)

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш аҳолига қулай шарт-шароитларни яратиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Шу асосда жойларда намунали савдо хизматини яратишга ҳам муҳим аҳамият қаратиляпти.

ҚИШЛОҚ ДЎКОНЛАРИНИ ОБОД ҚИЛАДИ

Бугунги кунда халқ истеъмоли товарларининг кўплаб турлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Лекин барча туманларда ҳам бундай маҳаллий товарларни учратиш қийин. Бу қишлоқ ҳудудларида савдо тизими фаолиятининг қониқарли эмаслиги билан изоҳлансада, аслида муаммо илдизи бироз чуқурроқ. Яъни саноат объектлари, улгуржи савдо корхоналари ва қишлоқ дўконлари ўртасида самарали бозор муносабатлари шаклланмаган. Самарқанд вилоят матлубот савдо акциядорлик компанияси бу масалани уч босқичда ҳал этиш режасини ишлаб чиқди. Биринчи босқичда асосан қурилиш моллари ва уй жиҳозлари билан савдо қилувчи туманлараро улгуржи ва чакана савдо марказлари тизими яратилади. Ана шундай йирик марказлардан бири Самарқанд туманида иш бошлади. Бу ерда Республиканинг деярли барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган махсулотларни топиш мумкин. Муҳими, улар бозордагига нисбатан сезиларли даражада арзон. Бундай улгуржи ва чакана савдо марказлари ўз ички тизимида қурилиш, таъмирлаш ишларини мунтазам олиб борадиган ташкилотлар учун айниқса қулайлик туғдиради. Масалан халқ таълими соҳасини олайлик, ҳадемай ўқув йили тугаб, мактабларда таъмирлаш ишлари бошланади. Ҳар бир савдо маркази бир неча туманга хизмат қилиши инобатга олиниб, уларнинг жойлашиш ўрнига катта эътибор берилган. Мисол учун Самарқанд туманидаги марказ Тошкент, Қарши ва Ургут йўллари кесишган чорраҳада гавжум катта кўча бўйида барпо этилди.

Дастурнинг иккинчи ва учинчи босқичларига биноан эса озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истемол товарлари савдоси билан шуғулланадиган замонавий мажмуалар аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Пилла ҳосилининг дастлабки тонналари Шаҳрихон туманининг "Пилла" қабул қилиш пункти давлат корхонасига келиб тушди.

Корхона директори Муроджон Аҳмаджоновнинг таъкидлашича, жорий мавсумда пиллачилар давлатга 262 тонна ҳосил етказиб беришни режалаштиришган. 4 минг 660 қути ипак қурти тумандаги 15 та ширкат ва 30 та фермер хўжаликларига тарқатилди. Улардан 3 минг 360 қутиси Хитойдан келтирилган.

Мазкур ипак қуртларининг ярмиси плёнка остида парваришланди. Бу ўз навбатида пилла ҳосилининг тез ва сифатли тайёр бўлиши ҳамда ортиқча харажатларнинг камайишига олиб келди. Ипак қуртларини боқиш учун туманда 14 гектарда тутзорлар мавжуд бўлиб, қўшимча 238 минг туп тут ниҳоллари ўтказилди.

Жорий йил мавсуми олдидан корхона кредиторлик қарзларини тўлиқ тўлаб, туман пиллачилари ҳисоб рақамига 50 миллион сўм ўтказиб берди. Ипак қурти боқувчиларга боқилаётган ҳар бир қути қурт учун 10 минг сўмдан бўнак пуллари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Жамият тараққиётида депутат аёлларнинг тутган ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ДЕПУТАТ АЁЛ ФАОЛ БЎЛСА . . .

Давра суҳбатида депутат аёллар, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жамият ҳаётининг қайси жабҳасига назар ташламанг, аёлларнинг фаол иштирокини кузатиш мумкин. Шуни эътиборга оладиган бўлсак, депутат аёлларимиз хотин-қизлар ўртасида ўз овозига, фикрига, бирор масала хусусида нуқтаи-назарига эга бўлмоғи лозим.

Аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, чет элга бориб ишлашининг қонуний-лигини таъминлаш, уларни спортга жалб этиш, тўй-хашамларни ўтказишда депутат аёлларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ва турли хил ташкилотлар билан ҳамкорлигини етарли даражада деб бўлмайди.

Йиғилишда «Сиёсатда аёлларнинг ўрни», «Депутат аёлларнинг хотин-қизлар муммоларини ҳал этишдаги етакчи роли», «Хотин-қизлар фаоллигини оширишда нодавлат ташкилотларнинг тутган ўрни» мавзуидаги маърузалар тингланди.

"СУРХОНТЕКС"НИНГ НУФУЗИ ОРТМОҚДА

Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Сурхонтекс" Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси бундан бир йил муқаддам ишга тушган эди.

Жамоада меҳнат қилаётганлар қисқа давр ичида ишлаб чиқаришни тўлиқ ўзлаштириб олди. Маҳаллий хом-ашёдан тайёрланаётган маҳсулот асосан хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида хорижий мамлакатлардан Россия, Туркия ҳамда Эстония давлатларига жами 652 минг АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Ускуналар Чехия ва Германиянинг Трюллер ҳамда LTJ фирмаларида ишлаб чиқарилган бўлиб, маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасида бўлишини тўлиқ таъминлаб бермоқда.

Корхонага хомашё микромери ва маҳсулотнинг бошқа бир қанча таркибини тез ва аниқ белгилаб берадиган лабораториянинг ўрнатилганлиги бу ерда меҳнат қилаётган мутахассислар ишини анча енгиллаштирди. Минг нафарга яқин йигит-қизлар меҳнат қилаётган мазкур қўшма корхонада жорий йилнинг ўтган тўрт йили давомида икки миллиард эллик етти миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Вилоятда Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўлининг тўлиқ ишга тушиши, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни Афғонистон орқали Покистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилиш имкониятини яратади.

Ўзбекистондаги рус маданияти марказининг ёшлар бўлими Халқаро ёшлар ташкилоти уюшмасига аъзо бўлди.

ҲАМКОРЛИК ДИЛЛАРНИ ТУТАШТИРАДИ

Бўлим раҳбари Мария Репинанинг сўзига кўра, уюшма 2004 йилда Москвада тузилган бўлиб, асосий вазифаси маданият, таълим, тадбиркорлик соҳасида ёшларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйишдир. Уюшма шу билан биргаликда тил, халқларнинг маънавий ва маданий меросини, анъаналарини ўрганишга эътибор қаратади.

«Адолат» СДП фаолиятидан

ИШЧАНЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси биринчи котиби Дарибай Дошетов маъруза қилди. У ўз маърузасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг бугунги кунда олиб бораётган ишлари ҳақида, жумладан, республиканинг бир қатор туманларида, яъни Хўжайли, Шуманай, Қўнғирот, Кегейли ва бошқа туманларида «Адолат» СДПнинг бошланғич партия ташкилотлари тузилганлиги ҳақида гапириб берди. Нотиқ Республика партия Кенгаши 2005 йил иш режасининг асосий йўналишлари билан йиғилганларни таништириб ўтди.

Плунемда сўзга чиққан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти етакчи илмий ходими Хожабой Қобилов Плунем қатнашчилари ўзлари овоз бериб сайлаган депутатлар билан тез-тез яқин мулоқотда бўлиб, уларга ўзларини қийнаётган ва ечими топилмаётган масалалар бўйича бемалол мурожаат қилиб, ҳал этиш кераклигини, шу билан бирга у партия фаоллари қонунларни тайёрлашда бевосита иштирок этишга чақирди.

Пленум сўнггида янги қабул қилинган партиядошларга «Адолат» СДП билети топширилди.

* * *

13 май куни Навоий шаҳрининг Маданият ва санъат коллежи мажлислар залида «Адолат» СДП Навоий вилоят Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида вилоят партия Кенгаши аъзолари, партиядан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши III Пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда Навоий вилояти партия ташкилотининг асосий вазифалари тўғрисида" маъруза қилди. У ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида жамиятимиз ва сиёсий партиялар олдига қўйган вазифалар, Сиёсий Кенгаш III Пленумида кўриб чиқилган масалалар моҳияти, вилоят партия ташкилоти олдида ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган вазифалар тўғрисида гапирди. Нотиқ ўтган сайловларда вилоят партия ташкилоти ниҳоятда суст қатнашганлигини, натижада вилоятдан бирорта ҳам депутат Қонунчилик палатасига сайланмаганлигини айтиб, бу бошланғич партия ташкилотларининг камчилиги ва камсонлилигидан келиб чиққанини такидлади. Шу билан бирга у тарғибот-ташвиқот ишлари савиясини кўтариш кераклигини, ёшлар ва аёллар орасида тадбирлар ўтказиш муҳимлигини, ақидапарастлик, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши курашни кампания тарзида эмас, балки мунтазам олиб бориш кераклигини уқтирди.

Муҳокамада сўзга чиққан вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Низомов, вилоят партия кенгаши котиби Ҳусан Исломов, вилоят матбуот қўмитаси раҳбари Улаш Нурмонов, вилоят телерадиокомпанияси раиси Ғулом Султонов, коллеж ўқитувчиси Ўткир Сафаровлар нотиқнинг маърузасида келтирилган танқидий мулоҳазаларни қўллаб, Навоий партия Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Мавлон Сафаров «Адолат» СДП Навоий вилоят Кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Навоий вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб Оқсоқоллар Кенгаши ва Маҳалла жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Дўстмурод Холиқулов сайланди.

Кўрилган масалалар юзасидан Пленум тегишли қарор қабул қилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

Тошкент вилоят Янгийўл туманидаги касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, «Адолат» СДП Янгийўл туман Кенгаши, туман ИИБ ҳамкорлигида «Вояга етмаган ўспирин ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Янгийўл туман Кенгаши биринчи котиби Минавар Камолова туман партия ташкилоти томонидан ҳозирги кунда ёшларнинг жиноятчиликка, гиёҳвандликка, адашиб экстремистик гуруҳларга кириб кетмасликларининг олдини олиш борасида, шунингдек уларни иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Шу билан бирга, партия котиби «Адолат» СДПнинг сайловолди дастури, ҳамда партиянинг ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси борасида олиб бораётган қонунчилик фаолияти тўғрисида маълумот берди.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

17 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг Андижонда содир бўлган мудҳиш воқеалар юзасидан кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишга Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгаши депутатлари, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти партия Кенгашлари фаоллари қатнашдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан «Адолат» СДП фракцияси раиси Дилором Тошмуҳамедова Андижонда содир бўлган мудҳиш воқеани қоралаб, халқ тинчлигига раҳна солган қора кучлар ҳақида гапирди.

— Биз партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тинчликни асраб қолишга курашмоғимиз лозим. Бунинг учун халқ орасига, маҳаллаларга кириб боришимиз, айниқса ёшларнинг онгини диний ақидапарастлик ғоялари таъсирида заҳарланмаслиги учун, улар билан кўпроқ иш олиб боришимиз керак, — деб таъкидлади партия сардори.

Дилором Тошмуҳамедова давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Андижонда содир этилган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган матбуот анжуманида халқимизга мурожаат қилиб, бундай хунрезликлар, нохуш воқеалар мамлакатимизга, миллатимизга ярашмайдиган ҳол ва унутиб бўлмайдиган фожеа деб баҳолаганликларини такидлади.

Йиғилишда фракция аъзолари, депутатлар А.Аҳадов, Ю. Нишонов, А.Абдуназаров, З.Ботирова ва М.Ахуновалар сўзга чиқиб юртимизда амалга ошаётган иқтисодий ютуқларимизни кўролмаган экстремистик гуруҳларни қоралаб, халқ тинчлиги учун доим огоҳ бўлишга чақирдилар.

Суратда: ***Тошкент шаҳар партия Кенгаши фаолларидан бир гуруҳи ўзаро тажриба алмашишмоқда.***

Даврон АҲМАД олган сурат.

САМИМИЙ ЎТГАН УЧРАШУВ

Чоршанба куни эрталаб Россия Президенти Владимир Путин ўзининг Челябинск қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни кутиб олди.

Икки давлат раҳбарларининг эрта тонгдан бошланган учрашуви дўстона ва самимий рухда давом этди. «Независимая газета»нинг ёзишича, президентлар ўз суҳбатларини ноананавий тусда давом эттиришган. Суҳбатлари янада самимий кечишини исташган шекилли, улар ишни пивахўрликдан бошлашди ва шундан сўнг икковлон чанғи учишга боришди.

Челябинск махсус хизматининг барча маҳаллий кучлари Киров номи билан аталувчи кўчани тўлиқ назоратга олиш ва президентларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Маҳаллий кузатувчиларнинг айтишларича, эрта тонгдан ҳар бир симёғоч остида биттидан милиционер қўйиб чиқилди. Одамлар аста-секин президентларни олқишлаш учун йиғила бошлашди. Икки раҳбарнинг чиқишини аҳоли ҳайқириқлар ва турли хил кесатиқлар билан кутиб олди. «Одамлар «Ура!», ва ҳатто, бир ёши кексароқ аёл «Э, Худо! Уч соатли тайёргарлик ва интиқ кутишдан кейин ниҳоят келишди-я,» — дея баланд овозда бақирди», деб ёзади маҳаллий матбуот. Назарбоев челябинсликларнинг туғдирган бу каби самимий ноқулайликларидан ўзини жуда яхши ҳис этган. Аммо бу ҳолат хавфсизлик хизмати вакиллари учун яхшигина қийинчилик туғдирди; халқ Путиннинг қўлларидан ушлаб уни бир кўришга ошиқарди.

Оддий халқ билан бироз мулоқот қилган Путин ва Назарбоев Кировка томон юришди. Президентлар у ерда бироз тамадди қилиш мақсадида ирланд қаҳвахонасига киришди. Қаҳвахона хизматчилари бу ҳақда аввалдан огоҳлантирилиб, улар юксак мартабали меҳмонларга нонушта ёки тушлик тайёрлаб беришлари лозим эди. Бепул, албатта. Мезбонлар президентларни Путин ёқтирадиган «Radeberger» эмас, Нагр номли пива билан сийлашди. Назарбоев пивахўрлик вақтида яқиндагина ўз юртида қуриб, ишга топширилган янги пиво заводи ҳақида айтиб ўтди.

Овқатланганларнинг ҳаттиҳаракатидан пиванинг даражаси жуда яхши бўлганлиги дарҳол сезилган. «Независимая газета»нинг ёзишича, президентлар ичган пиванинг ярим литрли бакали ирланд қаҳвахонасида 180 рубль тураркан. Официантларнинг айтишича, улар бу сафар гўёки президентларни меҳмон қилишган. Бу ерга доим келиб овқатланадиган челябинсклик учтадбиркорнинг омади чопди. Улар Путиндан дасхат олишга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг президентлар кортежи бир неча бор олимпия чемпиони бўлган Лидия Скобликова шарафига барпо этилган «Урал чақмоғи» деб номланган янги чанғи учиш стадиони томон йўл олди.

Таниқли челябинсклик спорт устаси президентларни кутиб олди ва ўртоқлари илтимосига кўра, Путиндан чанғида уча оладими-йўқми ажабланиб сўради. Айтишларича, Россия Президенти ҳақиқатдан ҳам самолётда учиш, «КамАЗ» машинасини бошқаришда жуда уста бўлиб, аммо у муз устида чанғида уча олмаслигини тан олган. Ҳазилга жуда уста ва кўча тилини яхши тушунадиган Путин «Туёқларим сирпаниб кетади. Шу сабабли ҳам чанғи учишни хушламайман», деб ҳазиллашди.

Энг асосийси, президентлар шу йилнинг 24 майидан бошлаб кучга кириши лозим бўлган икки давлат фуқароларининг чиқиш-келиш борасидаги келишувни бекор қилишга келишиб олдилар. Президентлар икки давлат фуқароларини чиқишкелиш борасидаги аввалгидек рухсат этилган ички паспортлардан фойдаланиш имконини берувчи келишувга имзо чекдилар.

Хорижда нима гап?

УНУТИЛГАН 90 ТА АТОМ БОМБАСИ

Туркия маҳаллий атроф-муҳит ҳимоячилари NTV шахсий телеканали орқали чиқиш қилиб, Туркия Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК)га қарашли «Incirik Air Base» базасида ҳозирги кунда АҚШга тегишли бўлган 90 та атом авиазаряди сақланмоқда, деган маълумотни айтишган.

Авиабаза Анқаранинг жанубий-шарқидан тахминан 400 чақирим узоқликда жойлашган бўлиб, 1951 йилда ташкил топган. 1954 йилда Туркия ва АҚШ ҲҲКлари авиабазадан биргаликда фойдаланиш тўғрисида ўзаро шартнома туздилар. 2004 йилнинг 12 мартида ушбу базага Афғонистон ва Ироқ ҳарбий компанияларида фойдаланиш мақсадида АҚШ ҲҲКнинг туртки гуруҳи жойлаштирилди. Туркия Ташқи ишлар вазири Абдулло Гюлнинг эътироф этишича, иттифоқчилар бўлмиш Буюк Британия, Италия, Венгрия, ва Канаданинг ҳам ҳарбий самолётлари шу базадан фойдаланган.

Turkish Daily News (Туркия кундалик ахборотлари)нинг хабар беришича, куни кеча «Greenpeace» (тинчлик ва яшиллик) ташкилотининг Туркиядаги бўлими вакиллари авиабазанинг ёнгинасида уч ҳафта мобайнида фаолият кўрсатишни мақсад қилган «Тинчлик элчихонаси»ни очишга муваффақ бўлишган.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида уюштирилган тадбирлар доирасида бу ерда митинг ўтказилиб, унинг иштирокчилари АҚШдан ўзига тегишли бўлган ядро авиазарядларини мамлакатлари ҳудудидан олиб чиқиб кетишини талаб қилишади.

Ушбу акция етакчиси Аслихон Тюмернинг айтишича, Туркия ҳудудида жойлаштирилган америка ядро зарядлари ҳудудий ва глобал тинчликни катта хавф остида қолдирмоқда. Шунинг учун ҳам Туркия «яшиллик» тарафдорлари Бош вазирдан Америка ҳарбий зарядларини бундан кейин яна қолдиришга рухсат бермаслигини талаб қилишмоқда. «Яшиллар»нинг чиқишлари АҚШ Туркиядан ҳарбий базалардан фойдаланиш вақтини узайтиришни сўраб мурожаат қилгандан кейин янада авж олди. «Turkish Press»нинг ёзишича, шартномада авиабазадан фақат Афғонистон ва Ироққа юк ташувчи фуқаролар ва ҳарбий самолётларнинг парвози кўзда тутилган. Аммо Тюмернинг фикрича, ҳозирги кунда Incirlik базасида АҚШнинг 0,3 дан 170 килотоннагача бўлган 90 та ядро бомбалари сақланаётган экан. Уларнинг сақланиши мамлакат аҳолиси учун катта хавф туғдириб, мамлакатни «ядросиз ҳудуд» деб ҳисобланмасликка 72 фоиз сабаб бўларкан.

ГААГА БОСНИЯГА ТОПШИРДИ

Собиқ Югославиядаги ҳарбий жиноятлар устида иш олиб борувчи Гаага халқаро трибунали судялари яна бир ишни кўриб чиқиш учун Босниянинг янги судига топширди.

Гап 1992 йилда мамлакатнинг шарқида жойлашган Фоча шаҳрида олиб борган тазйиқлари учун айбланаётган Радован Станкович устида бормоқда

Унинг ҳужжатлари Гаага трибунали томонидан болқон ҳукуматига топширилган биринчи иш бўлди.

Трибунал бундан кейин ҳам агарда иш юқори даражадаги жиноятчиликки оид бўлмаса, шундай йўл тутишини билдирди. Бундан мақсад, айбланувчилар устидан олиб борилаётган айбловларни кўриб чиқишни тезлаштириш ва 2010 йилга бориб бу борада ўз ишини тугатишдир.

Энди Станковичнинг иши яқинда ҳарбий жиноятлар бўйича Босния да ташкил этилган Палатада кўриб чиқилади.

Радован Станкович 1992 йилда Фочи серб кучларига ўтгач, ушбу шаҳардаги хорват ва мусулмонлар устидан олиб борган тазйиқлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳозирда Гаагада жиноятчиликда гумон қиинган 50 нафар шахс сақланиб уларнинг 10 нафари жазодан қочиб юрибди.

НОМЗОДЛАР МИНГДАН ОШДИ

Шу йилнинг 17 июнида Эрон ислом республикаси президентлигига бўладиган сайловда иштирок этадиган номзодларнинг сони рекорд ўрнатадиган даражада ошиб кетди. Ҳозир бир минг ўн нафар номзод мамлакат президентлиги учун даъвогарлик қилмоқда.

Рўйхатга олинганларнинг 89 нафари аёллар, аммо ислом дини принципларини ҳимоя қилувчи Иттифоқ президентлик учун кечадиган пойгада аёллар иштирок этишлари мумкин эмаслигини аллақачон эълон қилган.

Кузатувчиларнинг тахминларига кўра, Эронни 1989-1997 йилларда бошқарган Акбар Ҳошим Рафсонжоний бу сайловда етакчилик қилиши мумкин.

Би-Би-Синнинг Теҳрондаги мухбири Фрэнсис Харрисон Рафсонжоний ўзини прагматик-консерваторлардан ҳисоблаб, Эронни Ғарб билан алоқаларини яхшилашга хизмат қиладиган сиёсат олиб бориши мумкинлигини ишонч билан таъкидлаётгани ҳақида хабар берган.

Президентликка яна Теҳрон мэри Маҳмуд Аҳмадинажод ва Эрон полицияси собиқ бошлиғи Муҳаммад Бокир Калибоф ҳам жиддий даъвогарлардан бўлиши кутилмоқда.

Мамлакат раҳбарлигига даъвогар бўлиб, рўйхатга олинганлар орасида кўзга кўринган мухолифчилар ҳам бор. Улардан бири мамлакат миллий футбол терма командаси собиқ дарвозабони Носир Нажозийдир.

Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабарича, номзодларнинг энг ёши 16 ёшли ўсмир бўлиб, янг кекса даъвогар 86 ёшли чол президент бўлиш учун ариза берган.

2001 йилда ўтказилган сайловнинг биринчи босқичида номзодларнинг сони 814 тага етганди.

Эроннинг ҳозирги президенти Муҳаммад Ҳотами бу галги сайловда иштирок эта олмайди. Чунки мамлакат конституцияси бир киши уч марта президентликка сайланишига рухсат бермайди.

Ислом инқилоби ҳимоячилари Иттифоқи ўн кун ичида номзодлар орасидан кимларга нисбатан вето ҳуқуқини қўлланиши мумкинлигини ҳал қилиши лозим.

2004 йилги парламент сайловида Иттифоқ номзодлар рўйхатидан икки минга яқин ислоҳотчи-сиёсатчиларни олиб ташлаганда бу қарор жамиятда норозиликни келтириб чиқарганди.

Бу сафар сайловда сайловчиларнинг камсонли бўлиб иштирок этишидан хавфсираётган ислом ташкилоти бироз эҳтиёткорроқ бўлиб ишлашлари талаб этилади. Агарда сайловда кам одам иштирок этадиган бўлса, аниқки, у қонуний ҳисобланмайди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Москванинг Мещанск судида ЮКОС нефть компаниясининг собиқ раҳбари Михаил Ходорковский ва компаниянинг яна бир эгаси Платон Лебедев устидан олиб борилаётган суд жараёни давом этмоқда.

Би-Би-Си мухбирининг маълумотларига қараганда, ЮКОС собиқ бошлиғининг рақибларига Москва ҳукумати 30 кишилик пикет ўтказиш имкониятини берган.

Адвокатлар суд қарори ҳафтанинг охирига қадар ўқиб тугатилиши ва ЮКОС раҳбари барибир, айбли деб топилишини айтмоқдалар.

Интерфакснинг хабар беришича, москвалик юристлар судланувчиларга етти йилдан саккиз йилгача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин, дея тахмин қилишмоқда.

Бразилиялик 12 минг ерсиз деҳқонлар мамлакат пойтахти бўйлаб норозилик намоишини уюштирдилар. Улар қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар секин амалга оширилаётганидан норози бўлишмоқда.

Намойишчилар бир нечта вазирлик идоралари ва Америка элчихонаси олдидан ўтишда ва шундан сўнг мамлакат президентига ўзларининг мурожаатномаларини топширишди.

Ерсиз деҳқонлар ташкилоти мамлакат президенти да Сильва ўзининг сайловолди берган ваъдасини бажармаяпти, у ваъдасига кўра, фойдаланилмаётган ерларни юз минглаб қашшоқларга бўлиб бериши лозим эди, дея таъкидламоқда.

Олимлар рак касаллигига қарши дори воситасини денгиз тубидан топса бўлади деб ҳисоблашмоқда.

Медуза кўринишидаги ўсимликда яшовчи микроб «Lissoclinum patella»ни тузалмас касаллик — ракни даволаш учун ишлатса бўларкан. Бундан ташқари бу воситани олиш учун жуда кўп денгиз жонзотларини яксон қилишга ҳам эҳтиёж сезилмас экан. Лойиҳа АҚШнинг Юта штатидаги Фанлар миллий жамғармаси томонидан олиб борилмоқда.

Самарали восита Prochloron номли микробни ўзида мужассам қилиб, бу микроб ўзидан А ва С пателламид воситаларини ишлаб чиқаради ва бу ўз навбатида ракка қарши таркибни ташкил этади.

Москва туғриқхоналаринининг бирида 11 ёшли қизалоқ хомиладорлиги туфайли шифокорларнинг доимий назорати остида турибди. Хомиланинг даври 30 ҳафта деб тахмин қилинмоқда. Ундан ёлғиз бувиси ва 14 ёшли дўсти тез-тез хабар олиб туришибди.

Валентина 4-синфда ўқийдиган мактабда апрель ойининг охирига қадар унинг хомиладор эканлигидан ҳеч ким хабар топмаган.

Мактаб директорининг сўзларига қараганда, ҳаммаси Валя дарс пайтида ўзини ёмон ҳис қила бошлагач, мактаб ҳамшираси тез ёрдам чақириб, касалхонада УЗИ қилингандан сўнгина маълум бўлган.

Шифокорлар 11 ёшда хомиладор бўлиш жуда камдан-кам содир бўлишини таъкидлашмоқда. Бундан аввал 1910 йилда Хитойлик икки ёш дунёда энг ёш ота-она бўлиб тарихга киришганди. Фарзанд дунёга келганда ота 9 ёшда унинг севгилиси эса 8 ёшда бўлганди.

Худди шунга ўхшаш ҳолат 1930 йилда Харьков акушерлик-гинекология институтида рўй берганди. Унда 6 ёшли қизалоқ фазандли бўлган бўлса, 2000 йилда Ростов областида 8 ёшли қизалоқ ва 13 ёшли бола қизлик бўлишганди. Энг ёш хомиладор бўлганлар орасида рекорд натижани 1939 йилда 5 ёшли қизалоқ Перулик Лина Медиана ўрнатганди.

УЛУҒ АЛЛОМАЛАР АДОЛАТЛИ ВА ФОЗИЛ ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

Алишер Навоий (1441-1501 йил.) ўз асарларида адолатли ҳукмдор, «аҳли маъни»га мансуб бўлган ҳукмдорларни улуғлайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ноҳақликлар, адолатсизликларни эса қоралайди. Ҳақиқий инсоний фазилатлар - адолат, меҳру мурувват, меҳнатсеварлик, тўғри сўзлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик каби фазилатларнинг ижобий жиҳатларини кенг ва чуқур очиб беради.

Алишер Навоийнинг қарашича, адолатли жамиятни юксак фазилатли маънавий инсонларгина барпо этишлари мумкин. Шунинг учун ҳам мутафаккир инсон маънавиятини юксалтириш асосида фозил жамият қуриш ғояларини илгари суради. У инсониятни "аҳли маъни" ва "аҳли суврат"дан иборат, деб кўрсатади. "Аҳли суврат"- бу тоифага мансуб кишилар инсоний муносабатларнинг фақат шаклу-тамойилига муҳим эътибор берадилар. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зебу-зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш мансубдир. «Суврат аҳли» учун дунёни қалбан англаш, эзгулик ҳис-туйғулари бутунлай ёт. Улар инсоний муносабатларнинг фақат ташқи кўринишларини тан оладилар, моҳият ва мазмунига кириб бора олмайдилар. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири тақлидчиликдир. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида қул, ожизлар учун зулмкор. Улар маслаксизликлари туфайли фақат бугунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшайдилар, бу билан у дунёлигини қўйирадилар. "Суврат ахли" диний амалларни ҳам фақат қўрқув ва у дунёдаги моддий лазатланиш илинжида бажарадилар. Бундай инсонлар фақат жоҳил жамиятни ҳуш кўрадилар.

"Аҳли маъни" — юксак тафаккурлаш соҳибларидир. Уларнинг маънилиги шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақл-идрокли бўлиш, турли муносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хосдир. Улар ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўзгаларнинг билан уйғунлашган ҳолда идрок қиладилар. Жамият ва халқ учун хизмат қилиш ва яшашдан лаззатланадилар. Ҳар бир ҳатти-ҳаракат ва воқеликнинг оқибатини ўйлаб иш тутадилар, бу дунёнинг қисқа ва ўткинчи эканлигини чуқур ҳис қиладилар. "Аҳли маъни" Яратганнинг ато этган тафаккурлаш фазилати воситасида дунёни англашга, бу йўлда илму фанни эгаллашга ва маърифатли бўлишга интиладилар. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон эркин, довюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва масъулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва тазйиқ ишлатишдан ҳоли, фидоий, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамдард, ҳар қандай зулмга қарши бора оладиган, адолат олдида ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан воз кеча оладиган, бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, "ақли маъни"га мансуб бўлиш, яъни юксак маънавият соҳиби бўлиш инсоннинг энг олий орзусидир. Алишер Навоийнинг бу талқинини англаган, чуқур ҳис этган ҳар бир киши учун маънавият - бу инсон мазмуни ва моҳиятидир. Дунёдаги барча инсониятни жамият сифатида яшаб туришни таъминловчи қудратли восита ҳам, инсоний ривожланиш ёки умуман цивилизацияга эришув, уни барқарор ушлаб ва янада такомиллаштирувчи беқиёс ва ҳадсиз куч ҳам маънавиятдир.

Алишер Навоий замондоши, Ҳиротда яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505 йил.) ўзининг «Ахлоқи Муқсиний» номли асарида флоренциялик Никколо Макиавеллидан деярли чорак аср олдин сиёсат тушунчасининг таърифини ишлаб чиқди. У мазкур асарининг бир бобини сиёсат таърифига бағишлайди. Шунингдек, у Н.Макиавелли таърифи бўлган «мақсад воситани оқлайди», деган қоидага бутунлай қарши бўлган - адолатли, ахлоқ ва маънавиятга таянган сиёсатни қўллашни илгари суради. Мутафаккирнинг фикрича, сиёсат, бу - «жазо беришда шиддат кўрсатиш, дўқ-пўписа кўрсатиш; ҳукмронлик қилиш, ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва қўрқитиш йўллари билан бўйсундириб, интизом сақлаши бўлиб, маъниси кишини ғамга солмоқ бўлур ва истилоҳ маъниси мамлакатни забт қилмоқ ва ҳар кимни ўзига муносиб ўрунга ўлтиргизмоқ эрур ва сиёсат икки қисмдир. Ўз нафсига сиёсат қилмоқдир ва яна бири ғайрига». Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қуйидаги фикрлари ҳар қандай замонда ҳам адолатли жамият қуришнинг энг муҳим шарти сифатида яшамоқда: «Подшоҳлик шукри ҳам аҳли олам ва бани одамга адлу эҳсон қилмоқ бўлур. Мамлакат ва вилоят васиҳлигининг шукри раият мулкидан таъма қилмасликдур. Сиҳату саломатлик шукри ситам ранжидин бемор бўлғонларга адл доруси бирла шифо бермоқдур».

Кошифийнинг фикрича, «мамлакатни бошқаришдаги, ушлаб туришдаги асосий восита бу сиёсат. Агар сиёсат бўлмаса, мамлакатда ҳеч қандай фойдали иш қилинмайди. Халқни хунрезлик тиғи билан эмас, балки одилона, оқилона сиёсат - тинчлик, яхши сўзлилик билан бошқариб, «зулм рангин» йўқотиш» лозим. «Адл сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф бўлур. На учунким мулку миллат зийнати, дину давлат мусаллаҳи сиёсатдир».

Мутафаккир жамият ва давлатнинг инқирози сабабини ҳокимият зулмини кучайишидан истайди: «Золим ҳокимиким, жавру ситам бирла раиятга озор берур ва ўз қўли бирла давлат илдизини кесмиш бўлғой ва бу иш бирла ўзини афтодаҳол ва паришон аҳвол қолмиш бўлғой». «Халққа зулм қилиш давлат илдизини кесиш» дейиш билан давлатнинг мустаҳкамлигини жамиятни барқарорлигида деб билади. Кошифий «Мамлакат заволи неча нимарсадир?» деган саволни қўйиб, унга шундай жавоб беради: «Уч нимарсадир. 1-подшоҳларга хабар пушида (махфий) бўлмоқда. 2-азазил (шайтон) ва сифлат (тубанлик) тарбият топмоқда. 3-амалдорлар раиятларга зулм қилмоқда».

Кўриниб турибдики, Ҳусайн Воиз Кошифий ўз давридаги жамият ва давлат тизимини таҳлил қилар экан, жамият барқарорлигини, унинг аъзолари ўртасида адолат ва инсонийлик қадриятларини юксалишини ҳукмдор ва давлат мансабдорларининг маънавий бойлиги билан боғлайди. Шу билан бирга, жамиятни кучли бўлиши давлатни кучли бўлишини таъминлашини чуқур англайди. Бу қарашлар ҳозирги давр учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизда яшаган буюк мутафаккирларнинг илмий мероси ва амалий фаолиятлари нафақат миллий қарашларимизнинг тарихий-назарий илдизларини ташкил этади, балки, уларнинг илмий мероси ҳозирги даврда фуқаролик жамияти қуриш соҳасидаги ислоҳотларда пайдо бўлаётган кўплаб муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, улар қолдирган бой мерос мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларни ташкил этишнинг маънавий-ахлоқий манбалари бўлиб хизмат қилади.

Бир неча минглаб йиллар тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, инсониятнинг жамиятдаги фаол иштироки ва ақл-заковатининг маҳсули бўлган мафкуравий қарашлар эзгуликка, ёки ёвузликка, озодликка ёки истибдодга, маърифатга ёки жаҳолатга хизмат қилиши мумкин. ***«Инсон қалбида яхшилик билан ёмонлик, бунёдкорлик билан вайронкорлик ҳамиша курашиб»*** келганлигини эътиборга олсак, яратувчи мафкуралар ҳамиша жамиятни ривожлантиришга, эзгуликка хизмат қилган бўлса, бузғунчи мафкуралар жамиятни қўпоришга, жаҳолатга хизмат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Худди шунинг учун ҳам яхшилик, эзгулик, яратувчиликка қаратилган мафкуралар Шарқ мутафаккирлари томонидан бойитиб ва такомиллаштирилиб борилган.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг адолатли жамият, фозил давлат барпо этишга доир ғоялари Ғарбга ҳам кучли таъсир қилди. Ғарбдаги илғор олимлар Шарқ мутафаккирларини ўрганиш, улар асарларини Европа тилларига таржима қилиш асосида ўзларининг ҳам давлат ва жамиятни такомиллаштиришга доир қарашларини анча бойитдилар. Айниқса, Европа олимлари фуқаролик жамиятига доир назарияларни яратишда Шарқ мутафаккирларининг илмий меросларидан унумли фойдаландилар.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ЖАМОЛИ

Иштихондаги қурилиш ва коммунал хўжалик коллежи жамоаси бу ақидага қатъий амал қилмоқда

Азим Самарқандниг Иштихон тумани нафақат вилоятда, балки республикамизда ўзига хос ўринга эга туманлардан биридир. Чунки, иштихонликлар мамлакатимизда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларга, халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Шу билан ўз фарзандларининг бекаму-кўст вояга етиши, етук ва баркамол инсон бўлиб тарбияланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис туман ёшлари бугунги кунда турли соҳаларнинг ривожланишига баракали улуш қўшмоқда.

Дарвоқе, ҳар бир халқнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг таълим-тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, буюк даҳолардан бири "Менга сен айтаётган халқнинг бугунги ёшлари ҳақида гапириб бер, мен бу халқнинг келажаги ҳақида сенга айтиб бераман", деб бежизга айтмаган. Айни пайтда Иштихонда ҳам ёшларимизни касбга тайёрлайдиган 4 та коллеж фаолият юритиб келмоқда. Бу илм масканларида келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш минглаб ёшлар касб сирларини мукаммал ўрганишаяпти.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, туман ҳокимияти ва вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси туманда талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда 2002 йили Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежини ташкил этди. Бугунги кунда мазкур коллежда 664 нафар ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Уларга 48 нафар ўз фанининг фидойи ўқитувчи ва муҳандис-педагоглари "Қурилиш пардозлаш ишлари", "Тикувчилик", "Ёғочга ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш", "Сув таъминоти ва канализация жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш", "Менежмент", "Ҳуқуқшунослик" каби йўналишлар бўйича таълим беришмоқда. Коллеж замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланган. Бу интилиш ва изланишларнинг самараси ўлароқ, коллеж ўқувчилари вилоят ва туман миқёсида коллежлараро ўтказиб келинаётган танловларда энг олдинги ўринларни эгаллашмоқда.

— Бугунги ёшлар ким нима деса эргашиб кетадиган ёшлар эмас, — дейди коллеж директори Саъдулла Аблоқулов. — Шу боисдан ҳар йили туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда коллежимизда "Очиқ эшиклар куни" ўтказишни йўлга қўйганмиз. Шу йилнинг 14 майида ҳам тумандаги мактаб ўқувчиларини қизиқтириш, коллеж ҳаёти билан таништириш мақсадида "Очиқ эшиклар куни"ни ташкил этдик. Унда туманимиз ва қўшни туманларда жойлашган мактабларнинг 1500 нафар ўқувчилари иштирок этди. Коллежимиздаги таълим-тарбия жараёнлари билан танишган мазкур ўқувчиларнинг кўпчилиги бизда ўқиш учун ариза беришди. Бу туманимизда вояга етаётган ёшларнинг ўқув даргоҳимизга бўлган ишончи ва қизиқишининг нишонасидир.

Дарвоқе, коллеж раҳбари Саъдулла Аблоқулов айтганидек, мамлакатимизда вояга етаётган ёшларнинг илм олишига ва ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига масъул эканлигимизни англаб етиш фурсати етди. Ахир, ёшлар камоли — юрт жамоли эканлиги қалбларимизни доимо фахру ифтихорга тўлдириши зарур.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбирлари

Суратда: коллеж директори С.Аблоқулов жамоа билан

ШУНДАЙ АЖДОД ФАРЗАНДИ, УЛУҒЛАР ДИЛБАНДИСАН

Энг яқин биродаримнинг фарзанди фожеали ҳалок бўлганига сал кам бир йил бўлаяпти. У ҳали ҳам ота-онаси-ю қайнота-қайнонасининг хаёлида тириқдек, эл-юрт хизмати билан узоқларга кетгану эрта-индин эшик қоқиб кириб келадигандек туюлади. Жондан азиз фарзандинг доим тириқдек, ён атрофингда юргандек ҳис қиласан ўзингни. Фарзандлари эса унинг ўрнини босиб улғаяётганини ҳам сезмай қолар экансан бу ташвишли дунёда.

ОДАМИЙЛИКНИ ҚЎЙМА

Бир ортингга қараб кўй,
Аждодинг ким, сўраб кўй.
Улардан қолди хур ном,
Дунё ардоқлар мудом.
Темур бобомга гап йўқ,
Элнинг кўнглин этган тўқ,
Адолатга чорлаган,
Адоватга бормаган.
Улуғбек Мирзо тайин,
Тун-кун тиним билмайин
Териб ҳикмат дурларин,
Очган осмон сирларин.
Навоийдек бобонг бор,
Улусга бир умр ёр,
Халқим деб тутган қалам
Ҳар сатрига жо олам.
Шул аждод фарзандисан,
Улуғлар дилбандисан,
Яхшилар қўлидан тут,
Ёмоннинг баҳридан ўт.
Эл бағрини доғлама,
Бўлмагин тил ёғлама,
Аллоҳга бу хуш келмас,
Бу йўлга кирган унмас.
Юртбошим тўғри айтди:
Айни фикрлаш пайти.
Қулоқ сол қалб сўзига
Содиқ бўл юрт тузига.
Адашмагин йўлингдан,
Не иш келса қўлингдан —
Эл-юрт учун фидо бўл,
Ҳаққа чорлар нидо бўл!
Юрма ғаним йўлига,
Тушиб гумроҳ қўлига
Гул ҳаётинг сўлдирма,
Вужудингни қуйдирма.
Йўла халқингни, йўла,
Одамийликни қўйма.

КЕКСАЙГАНДА ХОР ЭТМА

Қариликка етказсанг,
Қўлга асо тутқазсанг,
Фарзанд феъли тор этма,
Кексайганда хор этма.

Ғам-аламларни кетказ,
Қўша қаришга етказ,
Ўзгаларга зор этма,
Кексайганда хор этма.

Марҳаматинг аяма,
Менга ёмон қарама.
Мусибатни бор этма,
Кексайганда хор этма.

Мадор белга набирам,
Ҳаётим бўлсин кўркам.
Бандаи афгор этма,
Кексайганда хор этма.

Аллоҳ, сендан сўрайман,
Элим дея яшайман,
Ёмон кунга ёр этма,
Кексайганда хор этма.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ

ОДДИЙ АСКАР КИМСАН ҲУСАНОВ ҲИКОЯСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Чоллар, хотинлар орасида турган болалар совуқ қотиб кетди шекилли, ҳиқиллаб йиғлай бошлашди.

Қулоқчинли шапка кийган офицерлардан бири алланима деб шанғиллаган эди, икки соқчи биздан нарирокда турган, бошига қулоқчин, эгнига пахталик кийган серсоқол чолнинг қўлини орқасига қайирди-да, офицерлар томонга судраб кетди. Соҳилга олиб бориб, қорга ўтқазишди, оёғидан эски пиймасини ечишди. Кейин телпагини, пахталигини... Шимини... охири қип-яланғоч қилишди-да, дарё томон судрашди. Қирғоқдан ўн қадамча наридаги музи тешиб қўйилган жойга аввал эътибор бермаган эканман, одатда рус қишлоқларида сув олиш учун музни тешиб қўйишади. Аммо битта челак сиғадиган жўн тешик эмасди. Ҳар томони бир метрчадан, текис қилиб кесилган, тўртбурчак тешик! Худди қудуқнинг оғзига ўхшайди. Тешик ёнида суянчиқсиз курси турибди. Курси устида қора портфель.

Икки солдат бояги одамни зўрлаб тешикка тикди. Немис офицерларидан бири ҳадеб типирчилаётган чолнинг билагидан ушлаб соатига қараганча томир уришини санай бошлади. Муздан боши чиқиб турган киши аввалига "увв" деб юборди. Типирчилади. Ранги бир қизардию кейин бўздек оқариб кетди.

— Зайт цеен минутен эртрейхт эр аллес, — деди офицер унинг билагини қўйиб юбормай. — Битте айне шприце, шнеллер.

Бошқа бир офицер курси устида турган портфелни очиб, шприц чиқарди. Югуриб олиб борди. Нариги-си, икки аскар ёрдамида ҳушидан кетган чолни муз орасидан суғуриб олди. Чолнинг бадани гўштдек қизариб кетган эди. Икки кишилашиб билагига укол қилишди. Чол аввал титради, кейин кўзини очди.

— Ҳайвонлар! — деди хириллаб. Қалаштириб сўкди.

— Гут! — Укол қилган офицер солдатларга бир имо қилган эди, энди ҳушига келган чолни тағин сувга тиқишди.

Биз — дарё соҳилида турганлар аждаҳога дуч келган қуёндек сеҳрланиб қолган эдик. Ҳеч ким қилт этмас, офицер ҳамон сувдаги чолнинг томирини ўлчаб, соатига қараб турар эди.

— Нима қилишяпти? — дедим худди сувга ўзим тушгандек вужудим музлаб.

Қўлтиқлаб турган лейтенантга қарасам, ранги қордек оқариб, тишлари ғижирлаяпти.

—Аблаҳлар! — деди титраб. — Тажриба ўтказяпти, Рейхнинг совуқ урган аскарларини қайси дори билан қутқариб қолишни синаяпти.

— Шон тоот, — сувдаги чолнинг томирини ўлчаётган доктор-офицер мамнун жилмайди, — ин цванциг минутен тоот.

Икки солдат ялангоч чолни сувдан суғуриб олди. Судраб олиб бориб, дарёнинг ўртасига, муз устида улоқтиришди. Сафда турган хотинлар, болалар қий-чув солиб юборди. Немис автоматчиларидан бири одамлар бошидан ошириб тариллатиб ўқ узган эди, яна жимлик чўкди.

Тажриба ўтказаётган офицер муз устига депсиниб, оёқларини иситиб олди, қўлқоп кийган қўлларини ишқалаб илжайди. Тағин бир имо қилган эди, икки автоматчи сафда турган хотинлардан бирига ёпишди. Елкасига чанг солиб, судраган эди, етти ёшлардаги қизалоқ хотиннинг этагига осилиб олди.

— Мама! — деди чинқириб. — Мама!

Солдатлар хотинни тешик томонга судрар, қизалоқ эса онасининг этагига маҳкам ёпишиб олган эди.

Автоматчилардан бири немисча сўкиниб қизчани қулоғидан чўзганча сафга қайта тикди. Хотиржамлик билан хотинни ечинтира бошладилар. Аввал бошидан рўмолини юлқиб олишди. Кейин пальтосини, жун пайпоғини, кўйлагини...

— О! — Синовчи доктор офицер аёлнинг оппоқ кўкракларига суқланиб қараб, томоқ тақиллатди.

Беихтиёр юзимни ўгирдим. Ялангоч аёлни умримда кўрмаган эдим. Ўша томонда ҳаяжонли шовқин кўпайганини эшитиб, яна бурилиб қарадим. Немис автоматчиларидан бири хотиннинг қўлтиғидан олмоқчи бўлган эди, аёл башарасига тарсаки тортиб юборди. Лекин ўша заҳоти елкасига тушган қўндоқ зарбидан қорга муккасидан йиқилди. У қип-яланғоч эди.

Аёлни қорда судраб обориб муз орасига тиқишди.

Доктор-офицер ниҳоятда ишбилармонлик билан соатига қараб унинг томир уришининг санай бошлади. Аёлнинг оппоқ кўкраклари муз қирасига тиралиб турар, ҳансираб нафас олар, икки кўзи бир томонда эди.

Саф орасида турган қизалоқ жонҳолатда чинқирди.

— Мама!

Автоматчилардан бири шу томонга югурди. Қизалоқни урди шекилли, боланинг бўғилиб йиғлаётгани эшитилди. Бироқ зум ўтмай яна ўша илтижоли фарёд янгради.

— Ма-ма!

Орадан анча вақт ўтди. Мунча ҳисоб-китобга ўч бўлмаса бу фашист, мунча хотиржам бўлмаса! У ҳалиям аёлнинг томир уришини ўлчар, соатидан кўз узмас, аёл эса ҳадеганда ҳушидан кетмас, икки кўзи қизчасига тикилганча ҳансираб нафас оларди.

Доктор офицернинг силлиқ юзида аввал ҳайрат, кейин даҳшат пайдо бўлди.

— Фиер унд цванциг минутен! — деди бидирлаб. — Штирт нихт. Вие айн хундт целебих!

Ўзи совқотиб кетди шекилли, солдатларга алланима деб буйруқ берди. Автоматчилар аёлни сувдан суғуриб олишди.

— Доча! — Қип-яланғоч хотин тирик қолганига ишонди. Совуқдан тишлари тақиллаганча яланг оёқлари сирпаниб-сирпаниб қизчаси томон гандираклаб кела бошлади. Лекин онабола бир-бирига етолмади. Автоматчилардан бири онани, бири қизалоқни елкасидан чангаллаб, икки томонга тортди.

Чинқириб йиғлаётган қизчанинг кўз ўнгида қип-яланғоч онани музга ўтқазиб билагига укол қилишди. Обориб, яна муз орасига тиқишди.

Билагимдан тутиб турган лейтенант нуқул инграр, "аблаҳлар, ваҳшийлар", деб тишларини ғижирлатар, аммо у ҳам, мен ҳам бир нима қилишга ожиз эдик.

Доктор-офицер ўз касбини хўп пухта эгаллаган экан! Аёлнинг томирини секундигача аниқлик билан санар, ҳар беш минутда қанча вақт ўтганини айтиб турар, яна биттаси эса дафтарга ёзиб борарди.

Хотин яна ўттиз беш минут чидади. Офицерлар қувониб кетишди. Мамнун ғужиллашиб қолишди. Чамаси, бу дорининг таъсири эўрроқ эканини бир-бирига маъқуллаб тушинтирар эдилар. Бояги кап-катта эркак уколдан кейин ўн минут ўтмай жон берди. Манави аёл эса хотин киши бўлатуриб, яртим соатдан ошдики, ўлмаяпти. Демак, бу галги дорининг фойдаси кўпроқ экан!

Ҳисоб-китобга уста немислар, "маданиятли", "билимдон" фашистлар бир нарсани ўйламасди. Аёлни шунча азобга бардош беришга мажбур қилган куч укол эмас! Онанинг кўз ўнгида қизчаси турибди. У боласидан умид узолмаяпти. Ўлолмаяпти. "Доно" фашистларнинг ақли қандоқ етсин бунга!

— Капут! — Доктор-офицер ниҳоят кўнгли тинчиб соат чангаллаган қўлини баланд кўтарди.

Автоматчилар аёлнинг икки қўлидан тортиб сувдан чиқаришди. Энди унинг бутун бадани кўкимтир-қизғиш тусга кирган, лабларини ғарча тишлаганча қотиб қолган эди.

— Ма-а-а-ма-а-а!

Автоматчилар хотинни сочидан судраб бояги чол томонга олиб кетишаётганида қизалоқнинг осмонни тешиб юборгудек чинқириғи оламни тутди.

— Ма-а-мочка а!

Доктор-офицер яна депсинди. Қулоғидан совуқ ўтди шекилли, шапкаси тагидаги кафтдек қулоқчинларини икки қўллаб ишқалади. Автоматчилар биз томонга келаётганини кўриб, беихтиёр орқага чекиндим.

— Бардам бўл! — Кўзойнакли лейтенант бўғиқ овозда далда берди. — Алвидо, солдат. Тирик қолсанг, қасос ол!

Немис автоматчилари бир зум тўхтаб қолди. Иккаласи кулранг кўзларида истеҳзо билан гоҳ лейтенантга, гоҳ менга қарар, молхонага кириб, семизроқ қўйни сўйишни мўлжаллаган қассобдек, иккаламиздан бирмизни танлар эди.

Доктор-офицер бир нима деб буюрган эди, "қассоблар" мени танлади. Иккаласи икки қўлтиғимга ёпишди.

— Алвидо, ўртоқ лейтенант! — дедим пичирлаб. — Тирик қолсангиз...

Пешонамга тушган мушт зарбидан бир лаҳза ҳушимни йўқотдим. Лекин зум ўтмай ўзимга келдим. Оёғим сирқираб оғрир, аммо автоматчилар қадам босишга қўймай, муз устида судраб кетишарди.

— Ўртоқ лейтенант! — Охирги кучимни тўплаб ҳайқирдим. — Ҳусановман, Тошкентдан! Тирик қолсангиз, хабар қилинг!

Эсимни таниганимдан бери бегона уёқда турсин, ота-онамга ҳам ялангоч кўринмаган эдим. Уят бўлади. Бегона хотинлар турибди. Бегона қизлар... Болалигимдан Бўрижарда чўмилганимда ҳам иштонимни сиқиш учун қамишзор ичкарисига кириб кетардим. Шуни ўйлашим билан лоп этиб, ойим, Робия хаёлимга келди. Кўзимда ёш айланяптими! Йўқ! Нега энди! Мана шу ваҳший фашистлар олдида-я!

... Аввалига бутун вужудим музлаб кетди. Муз остидаги оқим унча тез эмас эди. Оёғимни типирлатиб кўрсам, тагига етмади. Демак дарё чуқур. Автоматчилардан бири қўлтиғимдан ушлаб, томиримни текшира бошлади. Негадир энг аввал ярадор оёғим, кейин белим, охири бошим қизий бошлади. Автоматчи тепамда тураверiб зерикдими, ҳушдан кета бошлаганимни билдими, қўлтиғимни қўйиб юбориб нари кетди. Аммо мен ҳали эс-ҳушимни йўқотмаган эдим. Офицернинг билагимдан тутган чарм қўлқопи совуқ эди. Лекин зум ўтмай, қўлқопи исиб кетгандек бўлди. Энтикиб нафас олганча унинг юзига қарадим. Сарғиш қошлари чимирилган, соқоли қиртишлаб олинган, юзи сип-силлиқ. Атир ҳиди анқиб турибди. Юпқа лаблари қимтилган. Кўкиш кўзлари табассум билан соатига қараб, томир уришимни санаяпти. Худди итни, маймунни текшираётган олимдек. Ҳатто ора-чора мамнун илжайиб ҳам қўяди. "Шошма, аблаҳ! Тажриба қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Музлаб ўлиш қанақа бўлишини сенам бир кўриб қўй!" Бу фикр хаёлимга қаёқдан келганини билмайман. Тўсатдан вужудимга куч ёғилиб киргандек бўлди. "Амаллаб қўлини ушлаб олсам бўлди!" Сув остидаги қўлимни қимирлатиб кўрсам ҳали жон бор. Яхши! Сувнинг устки қисми яхлаб — кўкрагим атрофини дарров юпқа муз қоплабди. Бўш қўлимни секин юқори кўтардим. Силлиқ юзли доктор-офицер муз шилдираганини эшитиб, ярқ этиб қарадию бепарво яна соатига тикилди. Хотиржамлик билан томиримни ўлчашда давом этди. Бўш қўлимни муз қатламдан секин чиқардим. Билагимни тутиб фашистнинг турган қўлига чанг солиб, жоним борича ёпишиб олдим. У сесканиб кетди. Кўзлари ола-кула бўлиб, соатни қор устига отиб юборди-да, иккинчи қўли билан билагимни муштлай бошлади. Даҳшат ичида алланима деб чинқирди. Автоматчилар шу томонга югурди. Лекин отмади. Хўжайинини отиб қўйишдан қўрқар эди. Сўнгги кучимни йиғиб бир силтаган эдим, офицер сирғаниб музга ўтириб қолди. Ёнбошига ағдарилиб, бошидан шапкаси учиб кетди. Боши шундоққина ёнимга келиб қолди. Жонҳолатда сариқ сочларига ёпишдим. Солдатлар автомат билан билагимга ура кетди. Аммо совуқдан тарашага айланган қўлимга оғриқ таъсир қилмас, акашак бўлиб қолган бармоқларим доктор офицернинг сочига чангақдай ёпишиб олган эди, Офицер шундай даҳшат билан додлаб юбордики, овози хотинларникидек ингичкалашиб кетди. Ўша заҳоти боши билан сувга шўнғиганини, оғзига муздай сув кириб, овози ўчганини "булқ-булқ" қилиб қолганини идрок этдим. Яна бир марта ҳушимга келдим. Бошим қандайдир қиррали нарсага урилганини ҳис этдим. Оқим сув тагидаги музга обориб урган экан. Қизиқ, муз қатлами билан сув ўртасида бир-икки энлик жой бўларкан. Ютоқиб нафас олган эдим, ўпкамга сув аралаш ҳаво кирди. Пастда, сув тагида, бутимнинг орасида қора гавда жон талвасасида типирчилар, қўлим чангак бўлиб, ҳамон сочига ёпишиб қолган, қўйиб юбормас эдим. Олисда ёруғ нур тушиб турар, ўша томондан автоматнинг тариллагани, бўғиқ қий-чув элас-элас эшитилар. Шуларни бир сония ҳис этдиму кейин... ҳаммаси тамом бўлди.

* * *

... Биламан, сиз — тириклар ўлимдан қўрқасиз. Тириклигимда мен ҳам қўрқар эдим. Йўқ, ўлим унчалик даҳшатли эмас. Эртами-кечми ҳаммаям ўлади-да! Ҳаёт нима ўзи?.. Толе ҳадя этган иньом. Аммо одамлар ҳар хил. Биров шу иньомни бошқалар билан баҳам кўради. Биров бошқаларникиниям қўшиб олгиси келади. Шу билан умри узайиб қоладигандек. Гап қачон ўлишдами? Қандай ўлишда эмасми!

... Ярим кечадан ошди. Ҳаммаёқ жим-жит. Хиёбондаги гулсафсарлар секин-секин тебраняпти. Ўн қадам нарида ойим ўтирибди. Иккаламизнинг ўртамизда олов ловуллаб ёняпти. Биламан, энди у абадий ёнади.

Онамнинг ҳайкали билан-ку, ҳар доим суҳбатлашаман: ёнимда ўзи билан ҳам гаплашай.

Ойи! Робия! Хабарим бор, бугун иккалангиз ҳам ҳадеганда ухлай олмадинглар. Мен бўлсам сизларни тезроқ уйқуга кетишингизни кутаётган эдим. Нима қилай уйғоқ пайтингизда ёнингизга боролмайман... Мана энди яхши бўлди. Тушингизга кираман. Сиз — тириклар бунақа қилолмайсиз. Мен эса иккалангизнинг тушингизга баравар кира олмайман.

— Ойи, мени танидингиз-а?

— Танидим, ўғлим. Ўлганмидинг? Мен бўлсам...

— Йиғламанг, ойи, мен тирикман. Бугун ўзингиз кўрдингиз-ку!

— Даданг йўлингга кўз тика-тика оламдан ўтди.

— Сиз яшашингиз керак, ойи. Мен учун...

— Йигирма тўрт йил кутдим. Кимсан... Буёғига кучим етармикин?

— Сиз яшашингиз керак.

— Хўп, жон болам, хўп. Сен шунақа десанг...

— Йиғлама, Робия! Қара, ёстиғинг хўл бўлиб кетибди.

— Кимсан ака, сизни танидим.

— Мен ҳам...

— Кимсан ака, гуноҳимдан ўтинг. Сизни кутдим. Кўп кутдим. Кейин тоғамга...

— Бўлди, Робия...

Кимсан ака! Бояги йигитча... Музаффар... менинг ўғлим. Яна битта ўғлим бор: Омон. Биласизми, Омон... Сизнинг ўғлингиз бўлиши мумкин. эди...

— Начора, Робия! Урушни мен ўйлаб топганим йўқ. Сен ҳам...

— Мен-чи, сизга қийиқча тикдим. Кўп қийиқча тикдим. Отингизни ёзиб, тагига гуллар чиздим.

— Йиғлама, Робия... Ёшингни арт, жоним! Қулоқ сол. Эшитдингми, ҳали Оқсоқол нима деди? Ер юзида янги уруш очишни хаёл қилган номардлар ҳалиям бор экан. Эшитяпсанми, Робия! Гапим қулоғингда бўлсин! Айт! Музаффарга, Омонга, айт! Одамлар эсини йиғсин! Ўшанақа номардларнинг қўлига кишан солинглар. Тўғри, ўлиш қийин эмас, ўлим даҳшатли эмас, аммо инсон яшаш учун туғилади, Робия! Эшитдингми! Бўлди, Робия! Йиғлама, эртага яна келаман...

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«Адолат» кутубхонаси

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

САЛОМАТЛИК ВА УЗОҚ УМР

Таълим ва тарбия олимларидан Муҳаммад Расул Расулий айтади:

— Куз кунларидан бир кун саксон ёшга кирган бир чол ёғочдан ясалган уйда ўтирганди. Ниҳоятда қариганлигидан унинг соч-соқоли жуда оқарган бўлса ҳам юзи тўла, бели ва қўли қувватли, ҳамма аъзолари саломат эди. У чолнинг рўбарўсида унинг набира ва эваралари ўйнашиб юришганди.

Шу вақтда бир йигит келди-да, чолга салом бериб, унинг ҳол-аҳволини сўради, чол билан бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан, шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайратли эканининг сабабини сўради. Чол у йигитга:

— Ота-онам ёшлигимдан бошлаб кун чиққунча ўрнимдан ялқовланиб ётишга рухсат бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туриб бир иш билан машғул бўлдим, иш ва меҳнатдан сира ҳам эринмадим. Ишга ихлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўлатўкис битиришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш-меҳнат бутун аъзоимни қувватли қилди, менга узоқ умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни ҳам иш, меҳнатга ўргатиб тураман. Агар сен ҳам мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш-меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт ихлос билан берилиб иш қил, ялқовликдан йироқ бўл,— деб жавоб берди.

ЛУҚМОН ҲАКИМНИНГ УЧ ВАСИЯТИ

Луқмон ҳаким уч нарса ҳақида васият қилиб айтди:

— Ўғлим, шу уч васиятимга амал қил. Биринчиси: ёмон хотинга зинҳор сирингни айтма. Чунки хотин кишининг феъл-атвори яхши бўлмаса, эри билан урушган чоғда унинг сирини ошкор қилишдан тоймайди. Иккинчи васиятим: ҳокимнинг хизматида бўлган кишилар билан ошно, дўст бўлма. Учинчиси: нокас одамдан қарздор бўлма.

Кўп вақт ўтмай Луқмон ҳаким вафот қилди. Ўғли отасининг уч васиятини синамоқчи бўлди. Бозордан бир қўй сотиб олиб, бир дўстининг уйида қўйни сўйди, пишириб қопга солиб уйига келтирди. Хотинига:

— Мен бир кишини ўлдириб, қопга солиб келтирдим, ҳовлимизнинг бир чеккасига кўмаман, зинҳор ҳеч кимга айтма, — деди. Ҳовлининг бир чеккасидан чуқур кавлаб, қўйни қопи билан кўмди. Эртаси куни ҳокимнинг бир хизматкорини уйига чақириб зиёфат қилди, тезда у билан қалин ошна бўлди. Кейин бир нокасдан бир неча олтин қарз олди. Бир неча кундан кейин хотини билан уришди. Хотин кўчага қочиб чиқиб:

— Эрим бировни ўлдириб, қопга солиб ҳовлимизга кўмиб қўйди, энди мени ҳам ўлдирмоқчи, — деб додфарёд қила бошлади.

Бу воқеа ҳақида ҳокимга хабар бердилар. Ҳоким Луқмон ҳакимнинг ўғлини олиб келишга буюрди. Ҳалиги хизматчи Луқмон ҳакимнинг ўғлини ушлаб ҳоким ҳузурига олиб кетди. Луқмон ҳакимнинг ўғли:

— Дўстим, мени қўйиб юбор, бошқа шаҳарга қочиб кетай, — деб ҳар қанча ялинса ҳам қабул қилмади.

Йўлда нокас йўлиқиб:

— Сени ўлдиргани олиб кетаётибдилар, пулимни бер — деб қарзини қистади. Ҳоким Луқмон ҳакимнинг ўғлига:

— Бу нима қилганинг? Отанг ҳаким, олим, фозил бир киши эди. Шундай улуғ одамнинг фарзанди бўла туриб, жиноят қилишга уялмадингми?— деди. Луқмон ҳакимнинг ўғли қопга солиб кўмилган ўликни келтиришни сўради. Ҳокимнинг буйруғи билан одамлар бориб, қўй кўмилган чуқурни очиб, ўлик қўйни қопи билан кўтариб келтирдилар. Қопни очиб ўлик қўйни кўргач, ҳамма ҳайрон бўлди. Ҳоким бунинг ҳикматини сўради. Луқмон ҳакимнинг ўғли отасининг уч васиятини синаб кўрмоқчи бўлганини айтиб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди. У ерга йиғилган халқ йигитга таҳсин ва офарин айтдилар.

ОТА-ОНАГА МУҲАББАТЛИ ҚИЗ

Қадим замонда ўғри, хийнатчи кишиларнинг айблари исбот этилса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун бир шаҳар ҳокимининг ҳузурига ўғрилик билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига келтирдилар, жаллод ҳозирланди. Шу вақтда бир кичик қиз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди:

— Азиз ҳокимимиз, ножўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишга буюргансиз. Биламан ножўя иши учун жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта кичик фарзанди бор. Онамиз — касал, бизларни боқа олмайди. Агар отамизнинг қўлини кесдирсангиз, ҳаммамиз очдан ўламиз, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кесдирманг, агар қўл кесмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесдиринг.

Ҳоким бу кичик қизда ота-онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Яна уни синамоқ учун:

— Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кесдираман. Эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйла, кейин пушаймон емагил, деди.

Эртаси кун қизнинг отасининг қўлини боғлаб жазо майдонига келтирдилар, қиз ҳам ҳозир бўлди.

Отасини кўргач, севиниб:

— Отажон, сира кўрқманг, мен ҳокимга "Отамиз, қўли ўрнига менинг қўлимни кесдиринг" деб ялиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиладилар, — деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитиб, ота-онага бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йиғилган халқ ҳам чидолмай кўз ёшларини тўкди.

Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод этди, қизни эркалаб, ардоқлаб кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бола қучоқлашиб, севина-севина уйга қайтишди.

Ҳоким жазо майдонидаги бир мармар тош устига: "Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахтиёрдир" деган жумлани ёзишга амр этди.

Ҳар одамнинг бўлса фарзанди
шу қиздек меҳрибон,
Бахту иқбол у одамнинг ёри
бўлгай бегумон!

ТУТУН ВА ЧЎҒ-ОЛОВ

Қисса: Тутун чўғ-оловга зорланиб деди:

— Онажон, мен сизнинг қизингиз бўлсам ҳам нега доимо қоп-қораман, сиз эса, порлаб, ёниб турасиз, бунинг сабаби нима?

Чўғ шундай жавоб берди:

— Қизим, бу иш янги бир иш эмас, дунёда инсон ўз порлоқлиги билан порлайди. Боланинг порлоқ бўлиши учун бир порлоқ ота-онанинг фарзанди бўлгани кифоя этмайди, яъни олижаноб, фазилатли ота-онанинг шундай гўзал фазилати билангина инсон улардек бўлмайди. Фарзанднинг ўзи фазилатни касб қилиб олиши керак. Шундагина у фарзанд порлайди, чўғдек ёниб туради.

Ҳисса: — Фарзанднинг олижаноб, фазилатли бўлишига унинг насл-насаби эмас, ўз ғайрат ва жасорати сабабчи бўлади.

Киши ўз шамини ёндирмас эрса,
Ёруғликнинг нишонини кўролмас.

Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, хонодонимиздан аҳиллик ва қут-барака аримасин!

"САЛОМАТЛИК-1" ЛОЙИҲАСИНИНГ САМАРАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Сиҳат саломатлик йили" Давлат дастури" тўғрисидаги қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки дастурнинг асосий йўналишларидан бири аҳоли ўртасида соғлом турмуши шакллантиришдан иборатдир.

Сўнгги йиллар мобайнида 108 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб битказилди. Ушбу шифо масканлари Жаҳон банкининг "Саломатлик-1" лойиҳасига кўра замонавий энг сўнгги технология асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Қорақалпоғистоннинг шимоли ҳудудида жойлашган Кўнғирот тумани Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, марказ Нукус шаҳридан қарийб икки юз чақирим узоқликда жойлашган. Юқоридагиларни инобатга оладиган бўлсак, бу ерда соғломлаштириш масканларини кўпайтириш нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигини англаш қийин эмас. Тўғри, кейинги икки йил мобайнида туманнинг чекка овулларида учта қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли хизматига берилди.

Шунингдек, яқинда бу ерда Кўнғирот минтақавий темир йўл узелига қарашли соғломлаштириш маскани қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда аҳоли бир неча чақирим йўл босмасдан шу ернинг ўзида соғликларини тиклаб олишлари мумкин бўлади.

"Туркистон-пресс"

Ажабо

"ҲАЙКАЛ"ЛАР СУКУТДА

ёки ҳаёт мезонидаги баъзи мувозанатсизликлар хусусида

Инсоф, андиша ва одиллик каби хислатлар халқимизга хос фазилатлардир. Тириклик ва ўлим, диёнат ва хиёнат, адолат ва золимлик, огоҳлик ва бафарқлик дунё чархпалагида ҳамиша ёнма-ён айланади. Улар ҳаёт тарозусининг паллаларида мувозанатланиб туради. Лекин, кейинги пайтларда айрим ҳолатларда бу тенглик бузилаётгандек, юрагимиздаги эзгулик олови сўнаётгандек, назаримда. Бу ҳақда куйманиб гапирар экан, аммам яқинда ўзи гувоҳи бўлган бир нохуш ҳолатни афсус билан қайд этди.

— Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича қатнайдиган автобус ўз манзили томон одимлаб бораётган эди, — деди у. — Ичида 20-30 нафар йўловчиси бор. Кимдир газета мутоаласи билан банд, кимдир қўшиқ тинглаяпти, яна кимдир ширин уйқуда. Шу пайт автобусдаги уч йўловчи туш кўраётганларнинг сумкаларини бехосдан тита бошлади. Улар бир аёлнинг сумкасидан пул ва қўлларига илинган бошқа нарсаларни олишди. Буни автобусдагиларнинг аксарияти кўриб туришарди. Аммо ҳеч ким ўғриларга чурқ этмади. Гўёки, салонда йўловчилар эмас, "ҳайкал"лар ўтиргандек эди. "Иши битган" ўғрилар яқин бекатда автобусдан тушиб жуфтакни ростлаб қолишди. Аммо бу ҳолатни кўриб турган барзангидек йигитларнинг биронтаси ҳам "бировнинг нарсасини нега олиб кетаяпсан", деб сўрашни хаёлларига келтиришмади. Бундай лоқайдликка қандай қараш мумкин? Тубанликми ё қўрқоқлик? Бу лоқайдлик эртага яна бошқа кўнгилсизликларни келтириб чиқармайдими? Ҳалиги аёл уйғониб, пули йўқлигини билгач, дод-вой қила бошлади. Кондуктор келиб кўнгил учун унга таскин берди:

— Опажон сиз сиқилманг. Мана кўрасиз ҳаммаси яхши бўлади. Муттаҳамларни албатта топамиз. Бу жиноятлари учун улар ҳали албатта жавоб беришади.

Уларнинг гапларини эшитиб ўйга толаман. Во ажабо, шунча меҳрибончилигинг бор экан эртароқ кўзинг қаёқда эди. Ахир автобусдаги йўловчиларнинг хавфсизлиги учун ҳайдовчи ёки кондукторлар жавобгарку? Нима учун улар ўз зиммаларидаги масъулиятга енгилтаклик билан қарамоқдалар?..

Афсуски, аммам куйиниб айганидек, сўнгги пайтларда бундай нохуш ҳолатлар у ер, бу ерда учраб турибди. Шундай экан, бугун ҳамроҳингизнинг бошига тушган бу муаммо эртага сизнинг ҳам ташвишингизга айланмаслигига ким кафолат бера олади?

Огоҳликка кўп нарса керак эмас, виждон амри ва хоҳиш-иродангг ўзи кифоядир. Ёрдамга муҳтож одамнинг олдидан бепарволик билан ўтиб кетиш ўта инсофсизлик ҳисобланади. Сиз бунга нима дейсиз, муҳтарам газетхон?

Шохсанам ХИДИРОВА,
"Адолат" мухбири

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

ёки уларнинг жамиятда тутган ўрни хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган жамоат ва нодавлат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари сифатида шакланиб бормоқда.

Давлатимизнинг нодавлат ташкилотлари билан муносабатларини яхшилаш борасидаги амалий чораларидан бири Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунинг Олий Мажлис сессиясида қабул қилиниши бўлди. Шунингдек, айни пайтда нодавлат ташкилотларини маблағ билан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни давлат томонидан ижтимоий таъминланувчи ташкилотлар қаторига киритиш масалалари кўрилмоқда. Демак, бундан буён нодавлат ташкилотлари аҳолини қайта ўқитиш, семинарлар ўтказиш, консультациялар бериш каби фаолият билан шуғулланишга имкон топадилар. Бу фаолият эса янги қонунчиликнинг гендер экспертизасини олиб бориш, мақсадли дастурларни таҳлил этиш, ҳамкорликда иш олиб борувчи ишчи гуруҳларини тузиш, турли-туман анжуманлар уюштиришга катта йўл очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакат тараққиёти тўғрисида сўзлар экан, шундай мақсадларни илгари сурди: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъият ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат».

Умуман, ўтган ўн йил давомида Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамиятининг тамал тошлари қўйилди. Қисқа давр ичида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари ҳуқуқий жиҳатлардан бир-биридан ажралди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги эътироф этилди.

Олий Мажлиснинг кўппартиявийликка асосланган сайловлар асосида шаклланиши анъанавий тусга кирмоқда. Халқнинг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқлари юзасидан бир неча қонунлар қабул қилинди. Ижтимоий сиёсий ва иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатаётган нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари мажмуаси шакланди. Давлат мулкини хусусийлаштириш кенг тус олмоқда. Бошқарувда давлатнинг ўрни камайиб, жамоат бирлашмаларининг иштироки кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлари, мафкура ва конституциявий асослари амалий ҳаётда ўз аксини топиб боряпти.

Умуман, мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, у тадрижий равишда халқимиз дунёқараши ва амалий ижтимоий ҳаётига ҳам кириб келмоқда.

XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси давлати, ҳукумати ва халқи илғор ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократиялаштиришга қобил бўлган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни амалга оширишга киришди.

Умуман, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга доир ислоҳотлар аста-секинлик билан ўз самарасини бермоқда. Бу йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этишнинг муҳим омилларидин бири – мамлакат фуқароларининг ислоҳотчилик ҳаракатларида фаол, кенг ва самарали иштирок этишларидир.

Шавкат ЖАВЛОНОВ

"ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИ

Республикамиз миқёсида тўққиз мингдан зиёд умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, тугалланиб бораётган ўқув йилида халқимизнинг минглаб фарзандлари 9–синфни тугаллайди.

Шу жиҳатдан қараганда битирувчиларни касб-ҳунар коллежларига жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Шу мақсадда Навоий вилоятида "Очиқ эшиклар" куни ўтказилмоқда.

Вилоятдаги мавжуд касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда 30 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қарийб 60 та мутахассислик бўйича сабоқ олмоқда. Бу тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугаллаётган ёшларнинг 75 фоизини қамраб олади. Айни кунларда ушбу илм даргоҳларида мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан очиқ эшиклар кунлари ўтказилмоқда. Маслаҳат марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Таълимнинг ушбу босқичи ўз истиқболи билан ёшларни қизиқтириши, бунда уларнинг хоҳишлари инобатга олиниши ҳамда иқтидорига қараб тўғри йўналтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЦСКА — УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ

Футбол бўйича Европанинг нуфузли мусобақаларидан бири УЕФА кубоги баҳслари ғолиби маълум бўлди. Ҳал қилувчи учрашувда Россиянинг ЦСКА (Москва) ҳамда Португалиянинг "Спортинг" (Лиссабон) ўзаро куч синашдилар. Мазкур мусобақанинг финал ўйини аввалдан белгиланганидек, Лиссабон шаҳридаги "Жозе Алваладе" стадионида бўлиб ўтди.

Учрашув олдидан кўпчилик мезбонларнинг имкониятларини юқори баҳолашаётган эди. Бироқ россиялик футболчиларнинг ташаббуси остида ўтган ушбу баҳсда "Спортинг" жамоасига мухлислари мадади ҳам ёрдам бера олмади. Муросасиз кечган ўйин Москва армиячиларининг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. ЦСКА футболчиларидан тўпларни Алексей Берузуцкий, Юрий Жирков ҳамда Вагнер Лавлар киритишди. Шундай қилиб, Валерий Газзаев шогирдлари Россия футболи тарихида биринчи бўлиб УЕФА кубогини қўлга киритди.

АВТОҲАЛОКАТ САБАБ БЎЛДИ

Коста-Рика терма жамоаси ўйинчиси Уэйн Уилсон ўтган чоршанба куни «Калдерон Гуардия» касалхонасида вафот этди. Бунга футболчининг шахсий енгил машинасида шанба куни Сан-Хосе ва Кариб ороли оралиғидаги трассада автоҳалокатга учраганлиги сабаб бўлди.

Йигирма тўққиз ёшли Уэйн охирги пайтда маҳаллий «Бруйас» жамоаси ҳужум чизиғида ҳаракат қилаётган эди. Шунингдек, моҳир ҳужумчи ўтган йили Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида Коста-Рика терма жамоаси таркибида майдонга тушганди. КОНКАКАФ минтақасида 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида муваффақиятли иштирок этаётган Коста-Рика футболчилари тажрибали сафдошларидан бевақт айрилганликлари боис ғафлатда қолишди.

ТОМОШАБИНЛАРСИЗ ЎТАДИ

Италия чемпионатининг "В" сериясида қатнашаётган "Верона" клуби набатдаги учрашувни томошабинларсиз стадионда ўтказади.

Бунга "Перужа" жамоаси билан ўтган сўнгги ўйинда маҳаллий ишқибозларнинг тартибсизликлари сабаб бўлди, дея хабар қилади "Спорт-экспресс".

"Перужа" билан кечган охирги ўйинда "Верона" мухлисларининг меҳмонлар таркибида ўйнаган сенегаллик легионер Фердинанд Колига нисбатан қилган хурмача қилиқлари ва ҳурматсизликлари жамоани қийин аҳволга солиб қўйди. Оқибатда Италия футбол лигаси тартиб-интизом қўмитаси қарорига кўра, шу йил 28 майда «Верона»нинг ўз майдонида «Салернитано» жамоасига қарши ўтказадиган навбатдаги учрашуви ёпиқ эшиклар ортида уюштириладиган бўлди.

ХОРИЖЛИК ҲАКАМ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИМИ?

Россиянинг "Спартак" (Москва) футбол клуби раҳбарияти жамоанинг ЦСКА футболчилари билан ўтадиган ўйинини хорижлик ҳакамлар бошқариши таклифи билан чиқдилар. Бу учрашув 22 май куни уюштирилиши мўлжалланган.

Россия футбол уюшмаси ва Россия профессионал футбол лигаси ҳакамлар ҳайъати мамлакат етакчи клуби мутасаддиларининг бу илтимосини амалга оширмоқчи.

— Бу икки жамоанинг ўзаро учрашувлари доимо муросасиз руҳда ўтган, — деди ҳакамлар ҳайъати раҳбари Николай Левников. — Ўйиннинг ҳеч қандай бош оғриқсиз ва можароларсиз ўтиши учун ҳам хориждан мутахассис чақирилиши ижобий самара бериши шубҳасиз. Жамоа раҳбарлари бу учрашувга ҳакамларни Испания ёки Англиядан, ё бўлмаса словакиялик тажрибали мутахассис Любош Михелни таклиф қилишни сўрашган.

Гулжаҳон БОЙМУРОДОВА тайёрлади.

СПОРТ ОЛАМИДА

КУН ТАРТИБИДА — БОЛАЛАР СПОРТИ

Куни кеча пойтахтимиздаги "Бунёдкор" ёшлар телеклубида уюштирилган матбуот анжумани Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали фаолиятига бағишланди. Унда жамғарманинг пойтахт филаили ижрочи директори Асқар Толибжонов ҳамда шаҳардаги мавжуд ўн бир тумандаги масъул мутасаддилар шу йилнинг биринчи чорагида соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.

Жамғарманинг Марказий бошқаруви ҳамда Тошкент шаҳар филиали биргаликда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларининг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида мунтазам турли хил спорт тадбирлари ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиб келмоқда. Жамғарманинг саъй-ҳаракатлари билан шу йилнинг дастлабки чорагида мазкур даргоҳларнинг тарбияланувчи ўғил-қизларига 5939400 сўмлик футбол, волейбол, баскетбол тўплари, шоҳмот-шашка тўпламлари, тренажёрлар ва бошқа спорт жиҳозлари етказиб берилди.

— 2005 йилнинг манзилли дастури асосида учта II— ТИП бўйича янги қурилиш ва 6 та спорт иншоотлари реконструкция қилиниши кўзда тутилган эди, — дейди жамғарманинг Тошкент филиали ижрочи директори Асқар Толибжонов. — Шулардан бештаси жорий йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилди. Ушбу чоракда эса Ҳамза туманидаги битта спорт иншооти тўлиқ қайта таъмирлаш ишлари поёнига етказилади. Учта II— ТИП бўйича янги қурилаётган болалар спорт мажмуи йилнинг учинчи чорагида спортсеварларга топширилади.

— Бизнинг болалар спорт мажмуимизда айни пайтда ёшлар спортнинг ўн бешдан ортиқ тури билан шуғулланишмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги "Умид" спорт мажмуи директори Анвар Набиев. — Кейинги вақтда баскетбол, бадиий гимнастика, қўл тўпи спорт турларига қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, спорт мажмуимизнинг ўзида ёшлар билан мамлакатимизнинг таниқли спортчилари учрашувини ташкил этишни йўлга қўйдик. Қисқа қилиб айтганда, "Умид"га ташриф буюраётган ўғил-қизлар ўзларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Тамила БЕКИРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

«ПАХТАКОР»НИНГ ИЛК МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича мамлакат XIV миллий чемпионати олий лига жамоалари еттинчи тур учрашувларини ўтказишди. Ушбу тур мухлисларга бир қатор кутилмаган натижалар ҳадя этганлиги билан ёдда қолди.

Бу йилги мавсум баҳсларини ҳам йирик ҳисобдаги ғалабалар билан бошлаган мамлакат чемпиони — "Пахтакор" жамоаси кутилмаганда Қаршида "Насаф" футболчиларига имкониятни бой берди — 3:2. Ўз майдонида йирик ҳисобда ("Пахтакор" 0:8, "Трактор" 0:3) мағлубиятга учраб, мухлисларини ранжитишга одатланган "Бухоро" жамоаси бу гал сафарда зафар қўлди. Жиззахда "Сўғдиёна" футболчилари меҳмони бўлган Усмон Тошев шогирдлари мезбонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди. Шунингдек, бир қатор мазмунли ўйинлар намойиш этган олий лига дебютанти "Тўпаланг" жамоаси ҳам Зарафшондан қуруқ қайтди. "Қизилқум" футболчилари сариосиёликлар дарвозаларини беш маротаба нишонга олдилар — 5:0.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Трактор" — "Самарқанд-Д" — 4:2, "Машъал" — "Металлург"3:1.

"Нефтчи" — "Шўртан", "Навбаҳор" — "Локомотив" жамоалари ўйини бошқа муддатга кўчирилди.

Абдунаим БОЗОРОВ

Оиламизнинг ардоқли ва азиз Дилбари!

Сиз умр бўйи ўзгаларга меҳр улашиб, яхшилик сочиниб яшардингиз. Таваллудингизнинг шу муборак кунида қалбимиздаги меҳримиз, дилимиз, тилимиздаги жами яхши тилакларимиз сизга бўлсин Дилбархон!

ФАЙЗИЕВлар

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖУРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобокул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Ўткир ЖУРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Бобокатта ШОДИЕВ, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сиёсат ва партия ҳаёти — 136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Маънавият, адабиёт ва санъат-136-55-64

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Адади — 1970. Буюртма Г— 300. Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Саҳифаловчи — Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Навбатчи — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 23.00

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. • Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди. 1 2 3 4 5